

Собиржон НОРМАТОВ

**ҚАДИМГИ ТУРКИСТОН  
ВА ТУРКИСТОН  
МУСУЛМОНЛАРИ**



«Фарғона» нашриёти  
2007 йил

***ISESCO* томонидан 2007 йилда Тошкент шаҳрининг Ислом Маданияти пойтахти деб эълон қилинганлигига бағишланади.**

**Илмий раҳбар:  
Тоҳиржон Кўчқоров,  
доцент.**

**Норматов С.  
ҚАДИМГИ ТУРКИСТОН ВА ТУРКИСТОН  
МУСУЛМОНЛАРИ  
«Фарғона» нашриёти, 2007 й. –72 б.**

***Собиржон Норматов 1950 йилда Марғилон шаҳри яқинидаги Кўқонлик қишлоғида туғилган. 1968-1975 йиллари Бухоро «Мир-Араб» мадрасасида, 1992-1999 йилларда Фарғона давлат университетида (тарих факультетида) таҳсил олган.***

***Ҳозирда Фарғона вилоят бош имом-хатиби.***

**©«Фарғона» нашриёти, 2007 й.**

## КИРИШ

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

Муҳтарам ўқувчилар, Марказий Осиёда яшаб ўтган туркий халқлар ҳаётига бағишланган ушбу рисолада сиз уларнинг узоқ ўтмиш тарихи, исломдан аввалги ва ислом фатҳидан кейинги даврлардаги ижтимоий, сиёсий, маданий ва диний ҳаёти билан мухтасар суратда танишасиз. Мухталиф эътиқод, будпараст, оташпараст, қисман масиҳийликда ҳаёт кечириб келган туркий қабила-лар аввалида исломни қабул қилишлари қийин кечса-да, самовий қонунга асосланган китобий динни тушуниб етганларидан сўнг ўзлари бу диннинг даъватчисига айланиб, бу йўлда хайрли ва самарали натижага эришдилар.

Жаҳон тарихига катта ҳисса қўшган турк мусулмон давлатларининг фаолиятларидаги яна бир муҳим томони шундаки, уларнинг ўзлари ислом динидаги соғлом ақидада бўлишлари билан баробар, жиҳодга отланиб, муқаддас динни ўз теваққулидаги бошқа миллат ва элатларга армуғон қилишларидир.

Марказий Осиёга ислом дини Уммавийлар даврида кириб келган бўлса, Аббосийлар замонида дидоримизда фан, маданият ривожланиб, бу заминни яна бир бор жаҳонга машҳур қилиб, бутун дунё тараққиётини ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшган қатор алломалар етишиб чиққан эдилар.

Минг афсус, Туркистонда мол-дунё, салтанат учун бўлган курашлар, зиддиятлар авжига чиқди. Натижада, Марказий Осиёга балодек ёғилган мўғуллар зарбасига умаролар дош бера олмадилар. Аммо Жалолиддин

Мангубердига ўхшаган халқ қаҳрамонлари ўз она юрти, ватани ҳимояси учун молу дунёси, авлоду зурриёидан айрилиб бўлса-да, охирги нафасича душман билан олишиб, туркийларнинг абадий қаҳрамони бўлиб қолдилар.

Охир-оқибат, ғолиб бўлган мўғул босқинчилари мағлуб, аммо ўта зукко, доно ва эътиқодли халқнинг дини ва урф-одатларини қабул қилишларини туркийларнинг маънавий ғолиблиги дейиш шарафлидир.

Ушбу мавзуга қўл уришдан мақсадимиз хорижий мамлакатлар мутафаккирлари ва муаррихларининг Марказий Осиё ва унда яшаб ўтган туркийлар ҳақида ёзган асарларидаги фикрлари билан бугунги кун ўқувчисини қисман бўлсада таништиришдир. «Дарёдан томчи» деганларидек, шояд мозий ҳақидаги маълумотлар бугунги кун ёш авлодига хайрли сабоқ бўлса, дея умид қилурмиз.

*Муаллиф.*

## ФАТҲИ ИСЛОМДАН АВВАЛГИ ТУРКИСТОН

Қадимги Туркистон ҳамда Туркистон мусулмонларининг келиб чиқиши, ислом ва араб тарихшуносларининг таъкидлашларича, Нуҳ алайҳис-саломнинг ўғли Ёфас алайҳис саломнинг зурриёти билан боғлиқ. Ёфаснинг бир неча ўғиллари бўлиб, уларнинг ичида Турк исмли ўғли отасининг валнаҳди ҳисобланган. Ёфаснинг ўғли Турк учун ажратган жойлари, яъни шу ўлка «Туркистон» деб аталган. Туркистон номи икки қалмадан иборат бўлиб, «Турк» бу «Турк» қалмасидан ва «истон» қавм яшайдиган жой, яъни Ватан номи билан қўшилиб, уйғунлашганидир. Туркистон ўлкасининг ҳудуди анчагина катта бўлиб, у шарқ томондан Син, яъни Хитойгача, ғарбдан эса Урал дарёси, Хазор денгизича, шимолдан Сибир ва Мўғулистонгача, жанубдан Эрон ва Афғонистонгача бўлган ерларда жойлашган.<sup>1</sup>

Дастлаб қадимги туркийлар қабила-қабила бўлиб яшаганлар. Кейинчалик, уларнинг сони ва нуфузи ортган сари ичларидан шуҳратли, обрў-эътиборлиларни ажраб, бир нечта қабилалар бирлашиб, ҳаёт кечира бошлаганлар. Қабилаларнинг яшаш жойлари кенгайиб, номлари ҳам машҳур бўлиб борган. Ҳатто катта салтанатлар вужудга келиб, бу салтанатларни қавм бошлиқларининг номи билан юрита бошлаганлар. Натижада: Ўзбек, Мўғул, Қипчоқ каби шуҳратли салтанатлар пайдо бўлган, уларнинг аксарияти дарё ёқаларида, янги-янги ва гўзал шаҳарлар барпо қила бошладилар. Уларнинг яшаш шароитлари, урф-одатлари, ҳатто, лаҳжалари ҳам бир-биридан фарқланар эди. Ана шу қабилалардан бири бўлган татар қабиласи бир жойдан иккинчи жойга кўчиб яшаган. Улар чорвачилик билан шуғулланганлар. Татарлар шуҳрати то Чингизхон давригача ҳам дэвом этган.<sup>2</sup>

---

<sup>1</sup> Ширин Абдунаим: «Мин ҳилоли тарих вал адаб». Жимийат Айнушшамс Қоҳира

<sup>2</sup> Саййид Абдулмўъмин Саид Акрам. «Азво аъло тарихи Турон». 86 - 87 бетлар Маккаи Мукаррама.

Бу даврларда Туркистон халқи икки қисмдан иборат эди. Биринчи қисми — Турк ҳукмдорларига қарашли бўлган жамоалар. Улар асосан Мовароуннаҳр иқлимида яшаганлар. Ана шу давр ҳукмдорларидан бири Бандун бўлиб, у Бухоро ҳокими эди. Унинг номи Афросиёб қалъаси билан боғланган. Бандуннинг хотини Малика хотун бўлиб, у Туғдошнинг онаси эди. Манбаларда келтирилишича, Туғдош ўттиз йил Туркистонга ҳокимлик қилган. Ҳокимлигининг охириги даврида бу ўлкада фатҳи ислом бошланган. Жуда катта масофага ёйилган Туркистон иқлимида асосан туркий қавмлар яшаган. Уларда деҳқончилик, зироат, саноат, ҳунармандчилик ривожланган. Тижорат ҳам анча тараққий этган бўлиб, у Фарб билан Шарқни бир-бирига боғлаб турар эди. Деҳқончиликда асосий ўринни эгаллаган пахтадан тўқилган турли саноат маҳсулотлари Фарбий Осиё минтақаларига етказиларди. У замонда Бухоро шаҳри Осиёнинг савдо маркази бўлиб, Син (Хитой) ва Кичик Осиё шаҳарларини ҳарир ипак матолар, пахта маҳсулотлари, кумуш, олтин ҳамда мис буюмлар билан таъминлаб турар, Шарқ билан Фарб аҳолисини бир-бирига боғловчи нуқта ҳисобланарди.

Византия манбаларида айтилишича, бухороликлар ва сўғдийлар V-VI асрларда Буюк Ипак кофиласи билан сосонийлар императорлигидан ўтиб, Рум императорлигига етиб борар эдилар.

Аммо Туркистоннинг иккинчи қисм халқи шимол томонда яшовчи бадавий турклардан иборат бўлиб, улар асосан чорвачилик билан машғул бўлганлар. Бу ўлканинг об-ҳаво иқлими ўзгарувчан бўлганлиги учун бадавийлар у ердан бу ерга кўчиб ҳаёт кечиришган. Улар асосан Алгаз қабиласига мансуб бўлиб, Салжуқий Санжар ҳокимлигига итоат этишган. Салжуқийлар эса Мўғул салтанатига тобе бўлганлар.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Арменийус Помбари «Тарихи Бухоро». Доктор Аҳмад Ассодегий таржимаси. 39 —бет. Ушбу асарда ҳикоя қилинишича, Сиёвуш бин Кайкавус Эронга ҳужум қилиб, сўнг Жайхундан ўтиб Бухорога етиб борди. Бухоро шаҳрини Сиёвуш томонидан қурдирилган деган ривоят ҳам бор. Яна бир ривоятда бу шаҳар Афросиёб томонидан қурилган дейилади.

## ТУРКИСТОНДА ФАТҲИ ИСЛОМНИНГ БОШЛАНИШИ

Фатҳи ислом Туркистонга етиб келган давр Уммавийлар халифалиги ҳукм сурган даврга тўғри келади. Бу замонда туркий халқлар Шамония ва Бузия ақидаларига эътиқод қилар эдилар. Соддароқ қилиб айтганда, бир қисм, яъни жанубий, ғарбий ўлкаларда яшовчи турклар оловга, шимол ҳамда шарқ томонлардаги турклар будда, яъни ҳайкалларга сиғинишган.<sup>1</sup> Ушбу икки ақида тўрт самовий китоблардан биронтасига ҳам боғланмаган бачкана эътиқод ҳисобланади. Бундай ақидалар ҳозирда ҳам дунёнинг баъзи жойларида сақланиб қолгани сир эмас.

Халифа Муовия даврида араб мусулмон аскарлари Хуросон иқлимни фатҳ қилишиб, Мовароуннаҳрнинг жанубий дарвозаси бўлган Балхга кириб келишди. Ана шу даврда Хуросон ҳарбий лашкаргоҳга айланиб, бу ерда эллик мингдан зиёд ислом ҳарбийлари мавжуд эди.

Мусулмон лашкарларининг асосий қисмини Бани Хузайма, Бани Таймим, Бани Бакр ва бошқа қабила ўғлонлари ташкил қилар эди.

Фатҳи Туркистон асосан Уммавийлар халифаси Абдумалик ибн Марвон даврида бўлган. Бу даврда Хуросонга Ҳажжож ибн Юсуф валий этиб тайинланган эди. Мовароуннаҳрни фатҳ этиш учун халифа Қутайба ибн Муслим Албохийни ўзидан вакил этиб, лашкарбоши сифатида Туркистонга юборган эди.

Қутайба ибн Муслим ўта моҳир саркарда бўлиб, жуда катта тўқнашувлардан сўнг Туркистонни қўлга киритди. Кейин Жайхун дарёсидан ўтиб, 87 ҳижрий, 705 милодий санада туркий мушриklar билан бўлган олишувлардан сўнг, Бухорога тобе бўлган Бойкент шаҳрини фатҳ қилишга муяссар бўлди.

88-89 ҳижрий, 706-707 милодий йилларда Қутайба ибн Муслим лашкарлари Термиз, Марв шаҳарларини эгаллаб, ғарбий вилоятлар ҳокими Гул Такин билан тўқнашди. Бу даврда ислом дини кундан-кунга ривож

<sup>1</sup> Ширин Абдунаим. «Мини ҳилоли тарих» 13 –бет

топиб борар, табиийки, унинг лашкарлари сони ҳам кўпайиб борар эди.

Қутайба ибн Муслим Албохий 90 ҳижрий, 708 милодий санада Туркистоннинг маркази – пойтахти Бухорони, 92-94 ҳижрий, 710 -712 милодий йиллари сўғдлар яшайдиган бир нечта иқлимларни, шу жумладан, Самарқанд, Хоразмни фатҳ этиб, сўғдлик ва хоразмлик туркларни исломга даъват этди.

95 - 96 ҳижрий йиллари Қутайба ибн Муслим Албохий Сайхун дарёси иқлимини, хусусан, Фарғона водийсини ислом нури билан мунаввар қилди. Манбаларга қараганда, ислом лашкарлари босиб олган ерларини талон-тарож қилишмас, исломни қабул қилган кишиларни ўз қавмига бош қилиб, уларнинг мол-ашёларини ўзларига қолдирар эдилар. Лашкарбошилар ва шаҳар ҳокимларини ҳам аксарият туркийлардан тайинлар эдилар. Шу йўл билан ислом дини халқ ичида яна ҳам мустақкам ўрин олар эди.

Ўрта Осиёни фатҳ қилиш жараёнида Қутайба ибн Муслим қатл этилди. Муаррихларнинг таъкидлашларича, бунинг сабаби: маҳаллий халқ ичидан чиққан, исломий ақидалари комил бўлмаган кишиларнинг халифалик вакиллари вазифасига сайланганларидир. Шунингдек, халифа Амир ибн Абдулазиз олиб борган сиёсатнинг баъзи нуқсонлари сабабли ўша даврда аҳён-аҳёнда арабларга қарши кўзғолонлар бўлиб ўтган. Лекин халифа бу каби ҳодисаларни ўз вақтида қайтара олган.

106 ҳижрий, 724 милодий санада Хишом ибн Абдулмалик халифаликка ўтиргач, Мовароуннаҳрга Наср ибн Сиёрни валий қилиб тайинлайди. Наср ибн Сиёр тез фурсатда катта минтақаларни қайта бўйсундириб, дини исломни тушунтириш ишларини йўлга қўяди. Натижада, эски динни йўқотган турклар бу янги, самовий дини ханифни онгли равишда тушуниб етадилар, ислом кенг жамоатга ёйилиб боради. Чунончи, Самарқанд шаҳрининг шимолий-шарқида жойлашган Шош (ҳозирги Тошкент) шаҳрида ана шундай хайрли ишлар амалга оширилди.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Тарихи Ағгабарий. 6-жуз. 424-бет



Шундай қилиб, бу даврда Ўрта Осиёнинг тўртдан бирига ислом дини тўлалигича кириб борди ва бу ерларда халқ ёппасига ислом арконларини сидқидилдан бажаришга ўтдилар.

Ислом дини тез ёйилишининг яна бир сабаб — эски мажусийлик билан ислом ўртасида осмон билан ерча фарқ борлиги эди.

## **АББОСИЙЛАР ХАЛИФАЛИГИ СОЯСИДА ТУРКИСТОНДА ИЛМ-ФАН ВА МАДАНИЯТНИНГ ЮКСАЛИШИ**

Аббосийлар халифалиги даврига келиб Туркистон ўзига хос исломий диёрга айланиб улгурди. Ҳатто халифалар ва валийларнинг аксарияти туркийлардан эди. Агар бу масалага кенгроқ, чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, Уммавийлар даврининг охири, Аббосийлар даврининг аввалида Туркистонда янгича оилалар пайдо бўлди: турклар билан араблар қудалашиб, арабийлашган оилалар кўпайди. Чунки дини ислом барча миллат ислом миллати бўлиб яшашини талаб этарди. Масалан, Аббосий халифалардан бири Алмуҳташим туркий миллатга мансуб бўлиб, онаси сўғдий қабиласидан, отаси эса Аббосий араб эди. Шу каби Алмутовакил, Алмуқтофий, Алмуқтадир Биллоҳлар каби машҳур арбобларни ҳам туркий қабилага мансуб деган асослар бор.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, ана шу янги оилалар икки тарафлама таниқли оилаларнинг зурриёти эдиларки, уларнинг фарзандлари ҳам ҳар томонлама етук ва жисмоний бақувват бўлганлар. Шу билан улар тез орада машҳурликка эришиб, юқори лавозимларни эгаллаб, саркардалар қаторига ўтар эдилар. Бу ҳол Ўрта Осиёда дини исломнинг жуда тез ўсишида ва ривожланишида яхши натижа берар эди. Натижада, бу даврда туркийларнинг эътибори, нуфузи, қуввати кундан-кунга шу даражада ортиб бордики, ҳатто Туркистон мустақил туркий давлат деб тан олинисига олиб келди.

217-220 ҳижрий йилга келиб, Туркистон диёрида маданият, фан тез суръатда ривожланди. Масжид, мад-

расалар тараққий этди. Ишлаб чиқариш, тўқимачилик ривож топди. Дехқончилик гуллаб-яшнади.

Бу даврда Бухоро, Самарқанд, Фарғона ва бошқа шаҳарларда ишланган турли саноат ва тўқимачилик ашёлари тижорат йўли билан минглаб хонликлар ва бошқа хорижий давлатларга етказилди. Давлатни идора қилишлик ва ҳимоя, аскарлик яхши йўлга қўйилган эди.<sup>1</sup>

Аббосийлар халифалиги даврида илму фан тараққиёти ривожланиб, илми ҳадис, илми Куръон, тафсир, илми фикҳ (шариат қонуни), илми ҳисоб (математика), илми нужум (астрономия), илми ҳандаса (қурилиш), илми жуғрофия, илми тиб (медицина) ва бошқа соҳадаги илмлар жуда ривожланди. Натижада, Ўрта Осиёдан жуда йирик алломаи замоналар етишиб чиқдиларки, ўша замон муаррихларининг фикрича, илм арабларга нозил бўлган бўлса ҳам, уни туркийлар кашф этдилар.

Энди, ана шу замон аймаларининг баъзилари билан сизларни таништириб ўтамиз:

1. Имомул муҳаддисин Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий.

2. Ал-имом Муҳаммад ибн Али Алкафтол Ашшоший (Тошкандий). Бу зот ўз замонасида Мовароуннаҳрнинг имоми деб ном олганлар. Машҳур китоблари «Усули Фикҳ».

3. Ал-имом Абу Мансур ал-Мотуридий. Бу зот илми калом билан шуҳрат топган ҳанафий мазҳаб имомларидан. «Мотурид» — бу Самарқанд яқинидаги бир қишлоқнинг номи. Машҳур китоблари «Китоби ат-Товҳид» ва «Авҳомул Алмутазила». Ашшароих филфик 333 ҳижрий йилда вафот этганлар.

4. Ал-фақиҳ Абулайс Наср ибн Муҳаммад ас-Самарқандий. Имому ал худо (йўл бошловчи имом) номи билан машҳур. Бўстонили орифин, Танбиҳул ғофиллин ва Куръон қарин тафсиригининг муаллифи. 373 ҳижрий йилда вафот этган.

5. Ал-имом Абу Исо ат-Тирмизий (Тирмиздан) «Ас-суноан» ва «Ашшамоил» китобларининг соҳиби.

<sup>1</sup> Заҳрул Ислом. Аҳмад Амин. Қоҳира. 1978 йил. Бешинчи нашри

6. Фарғонадан Ал-фиқҳ Шамсиддин Сарахсий Ал-Узгандий.

7. Шайхулислов Бурҳониддин ал-Фарғоний ар-Рошидоний ал-Марғиноний. Ҳанафий мазҳабининг кубаро фақиҳларидан. Соҳиби «Ҳидоя».

8. Заҳриддин Марғилоний. Шамсул аимма (Имомлар қуёши).

9. Ислов фалсафаси намоёндаси Абу Наср ал-Форобий.

10. Илми нужум ва илми ҳисобда Аҳмад ал-Фарғоний.

11. Абу Бақр ал-Хоразмий ва Аббос ал-Жавҳарий.

Соҳиби «Сиҳоҳ тариқату лилмуҳтам».

Соҳиби «Қомус ва лисонул араб» (Ажамлар урф - одати).

Ислов футуҳоти қисқа муддат ичида оламга кенг тарқалиб, ислов олами вужудга келди. Исловия шарқдан Ҳинд воҳаси, ғарбдан Мароқаш ва Анъалус (Исловия), шимолдан Туркистонгача қамраб олди. Арабларнинг ғайри араблар, яъни юнон, форс, турк, ҳинд, чин (хитой)лар билан қўшилиши диниятга янги илмларнинг кириб келишига йўл очди ва хилма-хил фан мактаблари зуҳур бўла бошлади.

Мусулмонлар мухталифимлардан баҳраманд бўлиш билан ислов олимлари илмларининг асоси Қуръони Карим ва унга боғланган илмларни кашф қилиб, ёш авлодга янги таълим бера бошладилар. Унга олимлар «Улуми шаръий» ёки «Улуми нақлия» деб ном беришди. Илмнинг яна бир тури «Улуми нақлия» ёки «Илми ҳикоят» деб номланди.

**Улуми нақлия:** бу илмга тафсир, ҳадис, фиқҳ (қонун), илми калом ва бошқалар киради.

**Илми тафсир:** бу Қуръон илмидир. Қуръони Карим араб тилида бўлгани учун уни араблар яхши тушунишлари табиий эди. Лекин араблардан бошқа миллатларга Қуръони Каримни тушунтириш учун уни шарҳлаш керак эди. Маълумки, ваҳий Қуръоннинг пайғамбиримизга фаришта орқали тушиши бўлиб, оятлар ичида носиқ-мансуқлари мавжуддир. Бунинг маъноси: баъзи

олдин келган оятларнинг кейинги келган оят билан мансуқ, яъни ҳукми амалда тўхташи баён қилинишидир. Шунга ўхшаган баёнлар тафсир илми билан шарҳланиши лозим.

Ислом дини илм ўрганишга катта таважжуҳ қилганлигини биз жаноб пайғамбаримизнинг «Ҳар бир мусулмонга илм ўрганиш фарздур» дея мусулмонларни илм ўрганишга амр қилганларидан ҳам билсак бўлади. Бу эса умматни Муҳаммадияни залолат ва жаҳолатдан чиқариб, нажот ва маърифат томон бошлаш дарси эди. Мусулмонлар дастлаб Қуръони Каримни ўрганиш ва унга амал қилишга киришдилар. Аста-секин бу соҳада буюк алломалар етишиб чиқдилар.

Қуръони Карим тафсирига киришган олимлар қаторида Туркистон уламолари фахрли даражададурлар. Шулар жумласидан:

Имом ибн Жарир Табарий<sup>1</sup> (224-310 ҳижрий) «Жомихул баён фи тафсирил Қуръон», Абу Муслим Муҳаммад Баҳр Исфихоний (322-ҳижрий), Абу Юнис Абдусалом Козвижий (483-ҳижрий), Абулқосим Муҳаммад ибн Умар Замахшарий (467-538 ҳижрий)

**Ҳадис илмининг мухтаҳидлари.** Расули акрам саллаллоҳу алайҳи васалламдан нақл бўлган у зотнинг сўзлари «Ҳадис» деб ном олган. Расулуллоҳ вафотларидан сўнг, икки аср муддатда, ҳадислар орасида ихтилофлар юзага чиқа бошлади. Бу хилдаги вазиятни бартараф қилиш учун ислом умматлари ҳижратнинг II асридан бошлаб ҳадислар тадқиқотига киришдилар. Натижада, саҳиҳ, мутааддит ва мусик ҳадисларни йиғиб, заиф бўлганларини айириб, хос мажмуаларни тўпладилар. Кейинчалик олти мажмуада саҳиҳ ҳадислар (Саҳиҳи ситта) таълиф этилди. Ана шу замонда ижод қилинган олти саҳиҳ тўплам мусулмонлар эътиборларига ҳавола бўлди. Ушбу олти мажмуадан бири ва ҳаммасидан юқорида тургани «Саҳиҳи ал-Бухорий»дур. Ул зотнинг тўлиқ исмишарифлари имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн ал-Муғийра ибн Бардазбеҳ ал-Жуафий ал-Бухорий.

---

<sup>1</sup> Доктор Ҳасан Иброҳим. Қоҳира. «Тарихи сиёсий ислом»

Имом Бухорий 194 ҳижрий йилда Бухоро шаҳрида туғилганлар. Ҳун олти ёшларида Хуросонлик устозлари Иброҳим Балхий, Абдуллоҳ ибн Усмон Марвий, Яҳё бин Мувиин Сарахсий, Наим бин Хамад Марвийларнинг олдида дарс ўқиганлар. Сўнг имом Бухорий Маккаи Мукаррама зиёратига мушарраф бўлиб, Мадинаи Мунавварада расулуллоҳ равзаларига қўшни туриб, «Тарих» китобини ёздилар. Ундан кейин ҳадис талабида Боғдод, Мисрда бўлиб, беш йил Басрада қолдилар. Имом Бухорий Ҳун олти йиллик мусофирчиликдан сўнг ўз ватанлари Бухоро шаҳрига қайтиб келдилар. Буюк ҳадисшунос зот 600000 ҳадисни диққат билан текшириб, улар ичидан 7275 ҳадисни ажратиб, ўз мажмуаларига қайд қилганлар<sup>1</sup>.

Имом Муслим: Абу-л-Ҳусайн Муслим ибн Хажжож ал-Кушайрий 202 ҳижрий йилда туғилганлар. Хуросон мадрасаларида таҳсил илм қилиб, кейин Ҳижоз, Миср, Шом ва Ироққа бориб, талаби ҳадис учун кўп меҳнат ва заҳматлар чекканлар. Бу жанобнинг «Саҳиҳи Муслим» китоби «Саҳиҳи Ситта»нинг Имом Бухорий тўпламидан кейинги иккинчиси деб саналади.

Имом Термизий: Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий 200 ҳижрий йилда туғилганлар. Имом Бухорий, Имом Бағлавийдан ҳадис таълиминини олганлар. Хижоз ва Ироққа сафар қилганлар.

Имом Абу Довуд Сулаймон ас-Сижистоний: Сулаймон ибн Жордин 202 ҳижрий йилда туғилганлар. Талаби илм қилиб, Имом Бухорий, Имом Муслим ва бошқалардан ҳадис илмидан таълим олганлар. Боғдодда ҳам яшаганлар. 275 ҳижрий йилда Басрада вафот этганлар.

Имом Насоий: Абу Абдурахмон ибн Али ибн Шубайб. Хуросоннинг Насаҳ (ҳозирги Туркистон) шаҳрида 215 ҳижрий йилда туғилганлар. 303 ҳижрий йилда Маккаи Мукаррамада вафот этганлар.

Ибн Можжа: Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Юсуф ибн Можжа. 209-273 ҳижрий йиллар.

Имом Абу Риҷо Қутайба ибн Саид Бағлоний.

---

<sup>1</sup> Доктор Ҳасан Иброҳим. Қоҳира. «Тарихи сиёсий ислом»

Имом ад-Дорамий ас-Самарқандий: (181-255 ҳижрий йиллар) «Сунани Дорамий» муаллифи. Имом Доримий ҳадисдан ташқари тафсир, фикҳ илмига ҳам моҳир эдилар.

**Ислолда фикҳ илми.** Ислолда диний ҳуқуқ (фикҳ) таълимотининг тўпланиши катта аҳамиятга эгадир. Фикҳ илмининг асли ўзаги Куръони Карим таълимотининг манбаи бўлиб танилган. Уммавийлар замонасида ҳадис, дин ва ҳуқуқ таълимоти исломий илмга иккинчи манба бўлиб қўшилди. Шунинг учун бу замонда ҳадисларни йиғиб тўплашга ҳаракат бошланди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) замонларида арабларнинг қўпчилиги ўқиш-ёзишни билмаганликлари боис расулуллоҳнинг ҳадислари оғзаки ривоят бўлар эди. Яна бир сабаб: оят билан ҳадис аралашиб кетмаслиги учун расулуллоҳнинг тавсиялари билан фақатгина Куръон оятлари ёзилар эди. Йиллар ўтиши билан ҳадис оғиздан-оғизга ўтиб, силсила бўлиб келди. Юқорида зикр ўтганидек, ҳадисни ривоят қилиб ёзишлик ҳижратнинг II асри охиридан бошланди.

Ана шундай сабаблар боис ҳадис ривоят қилишда кўп чалкашлик юзага келди. Дастлабки муҳаддислардан уммавийлар даврида Абу Бакр Муҳаммад бин Муслим Аззохирий (123 ҳижрий йил) эди. Кейинчалик муҳаддислар сафи кенгайди. Фикҳ илмига киришган олимлар ана шу ишончли ҳадислардан фойдаланар эдилар. Шундай қилиб, фуқаҳолар фикҳи исломнинг суннат таълимоти ҳимоясида ижод қилдилар. Шундай илмий изланишлар туртки бўлиб, Макка, Мадина Бағдод ва Дамашқда дастлаб илмий марказлар, кейинчалик мадрасалар ташкил қилинди. Ушбу илмгоҳларда Куръони Карим, ҳадис, ҳуқуқий (фикҳ) илмлар ўқитила бошланди. Фикҳ илми ривожланиши асосида фикҳий олимларнинг сони ортиб борар, лекин уларнинг ўрталарида масала — масоил жиҳатидан жиддий ихтилофлар ҳам юзага келар эди.

Ҳижратнинг II асрида аҳли суннат вал жамоат мазҳаб пайдо бўлиб, бу мазҳаб ҳимоячилари ўта фақиҳ зотлар эдилар. Ислол футуҳоти кенгайиб, турли шаҳар ва

минтақаларга етиб боргач, у ер аҳолисининг урф-одатлари ва янги замон талабларини инобатга олиб, шарият қонунлари асосида уларга яраша масала ижтиҳод қилиш зарур бўлар эди. Ҳар бир масалани ижтиҳод қилишда аввал Куръонга мурожаат қилинар ва ҳадис билан тўлдирилар эди. Лекин аҳли суннатнинг ўзи ҳам тўртга бўлиниб, яна ўша замон фақиҳларидан энг кучлилари сараланиб, ўз минтақаларига мувофиқ фатво билан ўз мазҳабларини ижод қилдилар.

Исломда фикҳ «рай» ва «қиёс» (фикр ва таққослаш)ни бошқа фуқаҳолардан олдинроқ амалга келтирган киши Ҳазрати Абу Ҳанифа (Имом Аъзам) бўлиб, Ироқ фақиҳи эдилар.<sup>1</sup>

Имом Аъзам мазҳаби араб минтақалари билан бир қаторда Ўрта Осиё, жумладан, Туркистонда ҳам кенг тарқалди. Ҳозирги кунда ҳам биз ана шу мазҳаб йўналишидан борамиз. Имоми Аъзам шогирдлари Имом Шофъе Шофия мазҳабининг асосчисидирлар. Ислом фикҳи ҳуқуқда тўрт усул-манбага суянадилар: 1. Куръон 2. Суннат 3. Ижмо (қўпчиликнинг овози). 4. Қиёс (Таққослаш). Ушбу асос қилиб олинган усулга ҳамма фикҳ уламолари иттифоқ бўлишган. Шу тариқа фикҳи исломий вужудга келди. Шарият қонунига мутобаат аҳли сунна вал жамоатдаги тўрт танилган мазҳаб фуқаҳолари томонидан фикҳ китоблари тайин бўлди.

Мусулмонлар диний, ҳуқуқий, жазоий, маданий ва бошқа масалаларни ҳал қилиш учун фикҳга мурожаат эътиборли қилишадиган бўлди.

**Илми калом ва ақида.** Ислом динининг ривожланиши ўлароқ дунёнинг бир қисмига араблар мусаллат бўлгач, илм, қоидалар, дин ва маданиятни йўлга солиш учун деярли бир аср ўтди. Бу эса ислом маданияти ҳар бир замон, давр, иқлим ҳаётига ўз муносабати билан тўлалигича жавоб бериш заруратини келтириб чиқарди.

Аббосийлар давронларида «илми калом», яъни мантиқ илми тараққий топиб, бу илм ислом ақидани ҳар бир давр, минтақа ва замондан ҳимоя қилиб турган.

---

<sup>1</sup> Тарихи фикҳи Ал исломий Жомиҳатул Азҳар

Бу илми каломга муттасиб бўлганларга «Мутакаллим» деб ном берганлар. Мутакаллим олимларнинг вазифаси дини ислом, ақида тушунчаларини бидъат ва хурофотдан ҳимоя қилиш билан бирга соф ислом эътиқодини, барча қатори, янги мусулмон оламга етказиб туриш эди.<sup>1</sup> Ана шу замонда ислом уламолари орасида аҳли суннат вал жамоатга зид бўлган ақидапарастлар кўпайган эди. Улар жумласига мўътазилалар, шиялар ва бошқа тоифаларни айтиш мумкин. Бу каби салбий йўналишлар буюк ислом динининг бўлинишига олиб келар эди.

Мутакаллим олимлар мажлисларда сарой, қасрлар, масжидларда мунозара олиб борар эдилар. Ул замоннинг номдор мутакаллимлари Восил бин Ато (80 -131 ҳижрий йил), Абул Хазл Аъроф (135-235 ҳижрий йиллар), Абул Ҳасан Ашъарий (121-224 ҳижрий йиллар) ва ҳужжатул ислом Имом Ғаззолий (450-505 ҳижрий йил). Дини ислом ўз мувозанатини тўлалигача мусаффо сақлаб туришида мутакаллим уламоларнинг ўрни жуда аҳамиятли эди. Энг муҳими, у замонда турли фирқалар пайдо бўлиб, исломни обрўсизлантиришга уринар эдилар.

Аббосия халифалиги замонида сурайёний ва юноний тилларида таржима ишлари йўлга қўйилди.<sup>2</sup> Мутакаллим уламолар юнон, мажусий уламолар билан мунозаралар қилиб, жамиятни музокара ва таблиғ йўли билан дини исломга чақиритар эди. Юноннинг энг буюк роҳиби Милос Мажусий билан бўлган мунозаралардан сўнг ислом мутакаллимлари ғолиб чиқиб, Милос ўзининг уч минг пайровлари билан мусулмон бўлди. Шундан кейин Милос номида «Ҳайриддин» (диннинг афзали) китоби ёзилди.<sup>3</sup>

Ғазнавийлар даврида адабиёт, ҳунармандчилик, санъат, улуми манқул инқишоф гўзал тараққиёт сари ривож топган эди. Ўз даврининг донишмандлари Ибн Сино, Абу Саҳл Масихий ва бошқалар Хоразмда ижод

<sup>1</sup> Ҳасан Иброҳим. «Тарихи сиёсий ислом» Қоҳира

<sup>2</sup> Патришинский. «Ислом Эронда» Техрон

<sup>3</sup> Алъзам. «Ҳайруддин». Аззаркилий. Байрут



қилдилар. Ўша замоннинг мадрасаларида диний фанлар билан баробар тиббиёт, ҳандаса, фалсафа, илми ҳисоб ва бошқа фанлар ўқитилар эди. Шунингдек, йирик илмий ишлар олиб борилар, бундай кашфиётларни замона султонлари қўллаб-қувватлар эдилар.<sup>1</sup> Подшолар алмашиниши чоғида илму фанга салбий таъсир ўтказилиб, алломалар бошқа юртларга кетиб қолишар эди. Бундай ҳодисалар Хоразмда ҳам бўлиб ўтганлигини муаррихлар зикр қилганлар.

## ТАСАВВУФ ЁКИ ТАРИҚАТ

Мусулмонларни қизиқтирган масалалардан бири тасаввуф эди. Зухд ва парҳезгорлик тақвода шуҳрат қозонган. Илми каломнинг қуруқ баҳсларидан ўз қалбларида Аллоҳ таолонинг муҳаббати ва ишқи учун ҳеч бир хузур, ҳаловат топа олмас эдилар. Натижада, уламолар орасидан Аллоҳ таолонинг муҳаббатини қозониши учун зухд, тақво йўлига астойдил тушиб «сўфий» деб ном олдилар. «Сўфий» калимасининг асл луғавий маъноси «жун кийим кийган» демакдур. Ушбу оқим «Тариқат» дейилади. Тариқат эса истеълофда сўфийликка олиб борадиган йўлларни тайёрлаб берадиган бир илм бўлиб, «тариқат» калимаси ҳам тасаввуфнинг қаторига киради.<sup>2</sup>

Мавлоно Абдурахмон Жомий «Нафахотул унс» китобларида ёзишларича, биринчи сўфийлик унвонини олган киши Абу Ҳошим эди. Ул зот кўпроқ ҳаётини Шомда ўтказган ва 160 ҳижрий йилда вафот қилганлар. Тасаввуф усулига биринчи марта шарҳ берган Зуннуни Мисрий бўлиб (256 ҳижрий йил), у имомни Молик розияллоху анҳунинг шогирдларидан эди.

Тасаввуф усулини тавзиҳ бериб тартибга солган Жунайди Бағдодий (398 ҳижрий йил) бўлсалар-да, минбар устида туриб тасаввуфга чақирган киши Шиблий (334 ҳижрий йил) эди. Аёллардан эса Робна Адвия (135 ҳижрий йил) солиҳа тақводорликда шуҳрат қозонган бўлиб, қабри Байтул муқаддасдадир.

1 Косоний. «Ўрта Осиё тарихи»

2 Саид Мубошир Сулаймон Косоний «Ўрта Осиё тарихи»

Мовароуннаҳрда тасаввуф оқими ақонд олими Шайх Юсуф Ҳамадоний (535 ҳижрий йил) мактабидан бошланган. Шайхнинг илгари сурган ғояси: киши халқ билан алоқада бўлиб, бирга ҳаёт кечирishi, яъни халқ билан жисман бирга бўлиши, аммо қалбда парвардигор билан бирга бўлишидир. Ушбу оқимнинг муршиди Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг машҳур шогирди Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувоний бўлиб, охирида бу оқимнинг олий раҳбари Хожа Муҳаммад Баҳовуддин Нақшбандийга етганда, нақшбандия тариқати сифатида ислом мамлакатларига кенг суръатда тарқалди.<sup>1</sup>

Иккинчи оқим Шайх Аҳмад Яссавий ва шогирдлари Сулаймон Балхий ҳамда Сайид Ота номлари билан боғлиқдир. Туркистон тасаввуфи майдонига чиқадиган Хожа Аҳмад Яссавий охирида нақшбандия билан қўшилади. Шайх Аҳмад «Ҳикмат» номли асарида ўз фалсафасини туркий тилда баён қилган. Яссавий туркий адабиётнинг ичига дин ва тасаввуфни сингдириб юборган донишманддир. Унинг асари туркийлар руҳиятини тарбиялашда катта аҳамият қилади.<sup>2</sup>

## ФАН ВА АДАБИЁТНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Ислом фатҳининг Туркистонга кириб келиши, аввало, дини исломнинг таҳлили учун Қуръон, ҳадис, фикҳ илмлари тез суръатда ривожланиши билан бир қаторда фан, адабиёт, санъат ҳам тараққий қилиб, бу соҳаларда янги-янги ихтиролар бутун олами инсониятга ижобий самарасини бера бошлади.

Ўша даврнинг машҳур олими Абу Райҳон Беруний тўғрисида тўхталамиз.

Исми-шарифлари Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний. Ул зот 362 ҳижрий йилда Берун қишлоғида, яна бир ривоятда Урганч шаҳрида туғилган. У ўзининг турли илмий асарлари ва олий мафкураси билан ҳаммани ҳайратга солган. Олим тарих, луғат, фалсафа, тасаввуф, нужум (юлдузлар), ҳайҳат, физика, дорншу-

1 Саид Мубошшр Сулаймон Косоний «Ўрта Осиё тарихи»

2 Ўша асар

нослик, маъданшунослик илмларига оид 190 та асарнинг муаллифидир.<sup>1</sup>

Беруний «Осорул боқия анил корнил холия» («Ўтмиш давридан қолган ёдгорликлар») китобида юнон, рум, форс, сўғд, Хоразм, насоро, яҳудийлар ҳамда жоҳилият давридаги арабларнинг урф-одатлари, дин эътиқоди, риёзиёт, жўғрофик тушунчалар тўғрисида ёзма манба ҳамда халқ оғзаки ижодига оид энг қимматли тарихий маълумотларни баён қилган.

Беруний Ҳиндистонга бориб, ҳинд тилини ўрганиб, ҳинд тарихини ёзган. Ер муҳитининг миқёсини яратиб берилиши араб ислом уламоларининг илмий ёдгорлигига айланди.<sup>2</sup>

V-VI ҳижрий асрда Ўрта Осиёда илмий фаолият давом этди. Бу даврда Абулҳай Кардизийнинг «Зайнул ахбор», Имом Байҳақийнинг ўттиз жилдли «Тарихи Осорий», Мажиддин Аднойнинг «Тарихи мулуки Туркистон» ва Наршахийнинг «Бухоро тарихи», Муҳаммад Қошғарийнинг «Девони луғатит турк» (Туркий сўзлар луғати) ва бошқа асарлар яратилган ва уларда ҳужжатли, нодир маълумотлар йиғилган.

Аммо, шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, Туркистон ҳар ҳолда халифалик маркази Боғдоддан анчагина узоқ масофада жойлашгани учун бу ерларда диний фитналар ва сиёсий қўзғолонлар ҳам бўлиб турар эди. Бунга мисол тариқасида машҳур Муқанна қўзғолонини келтириш мумкин. Унинг исми Ҳошим ибн Ҳаким, Муқанна – лақаби. У Марв иқлимидан бўлиб, Мовароуннаҳрда 150 ҳижрий, 767 милодий санада ўзини набий (Пайғамбар) деб эълон қилган. Унинг даъвосича, гўё юзини очса ундан нур чиқиб, одамларни куйдирар эмиш. Шунинг учун араблар уни «Муқанноҳ», яъни «ниқоблик» деб аташган. Унга эргашувчилар ҳам анчагина бўлиб, ҳатто Муқаннанинг вафотидан кейин ҳам унинг кураши давом этган.<sup>3</sup>

Мовароуннаҳрда бўлиб ўтган сиёсий қўзғолонлар-

<sup>1</sup> Саид Мубошир Сулаймон Косоний «Ўрта Осиё тарихи»

<sup>2</sup> Ўша асар

<sup>3</sup> Арменийос Фомбери. «Тарихи Бухоро»

нинг яна бири халифа Хорун ар-Рашиднинг Самарқанддаги волийси Али ибн Исога қарши Самарқанд атрофида Рофҳа бин Ал Лайс ва Наср бин Сиёр бошчилигидаги қўзғолон бўлиб, бу қўзғолон «Савратул рофиҳи» деб номланган. Бунга волий Али бин Исонинг халққа нисбатан ўтказган зулми сабаб бўлган деб кўрсатишади. Юқоридаги ҳар икки воқеа «Бухоро тарихи» деб номланган асарда келтирилади.<sup>1</sup> У ерда айтилишича, мазкур қўзғолонлар халифа Ал-Маъмун даврида Хуросонга волийлик қилиб турган Сомоний амирлари томонидан бартараф этилади.

### **ТУРКИСТОНДА АББОСИЙЛАР ХАЛИФАЛИГИНИНГ МУРАККАБ МУАММОЛАРИ**

Туркистонда ва бошқа жойларда ислом фатҳининг тобора кенгайиб бориши бир томондан ислом динининг нуфузини ошириб борса, иккинчи томондан эса волий ва амирликларни бошқариб бориш қийинлашиб, қатор муаммоларни юзага келтира бошлади. Янги-янги мушрик қабила ва жамоаларни дини ислом фатҳ этиб, ўз сафига қўшиб турган бир замонда қатор янги давлатлар пайдо бўла бошлади. Бу каби бўлиниш, сўзсиз, халифаликка, қолаверса, дини исломга ўзининг салбий таъсирини кўрсата бошлади. Ўрни келганда шуни таъкидлаш жоизки, ҳатто Европага кириб борган фатҳи ислом орқага қайта бошлади.

Туркистондаги муаммоларга қайтадиган бўлсак, бу ердаги бўлинишларга бир неча сабаблар кўрсатилган. Улардан асосийлари форсларнинг аралашуви эканини муаррихлар зикр қилишган.

Ислом тарихидан маълумки, араблар энг аввал форс давлатларини фатҳ қилиб, исломлаштирганлар. Сўнгра Хуросон, Мовароуннаҳр, яъни Туркистонга кириб келишган. Табиийки, араблар билан бир қаторда форслар ҳам ислом фатҳида қатнашганлар. Амирларнинг батзилари форслардан бўлиши, қолаверса, араб ва форс

---

<sup>1</sup> Арменийос Фомберн. «Тарихи Бухоро»

тилларининг Марказий Осиёга кириб келиши, табиийки, турк тилини четлатиб қўйган.

Адабиётлар, мадрасалардаги дарслар араб ва форс тилида бўлар эди. Ҳатто, кейинги вақтда, форс тили араб тили қатори баъзи катта шаҳарларда давлат тили қаторига қўшилган эди.<sup>1</sup> Шу каби турли хил муаммолар тўпланиб, Туркистонда қатор хонликлар ва амирликлар вужудга келишига сабаб бўлди.

Хонликларнинг асосчиси Султон стун Бағрохон бўлган. Унга қарашли жойлар Шимолий Тянь-Шан тоғларигача етиб борган. Тарих китобларида ушбу давлат Афросиёб ёки Туркистон хонликлари ва яна Ад-давлатул хоқония деб ҳам номланган. Афросиёб хонликларининг аҳамиятли томони шундаки, унинг ҳукаمولари мусулмонлардан бўлиб, дин жиҳатидан Аббосийлар халифалигига ўзларини нисбат беришар эди. Масжидларда эса халифа номига хутба айтишар эди.

Хонликлар давлати барча туркий қабилалар орасида дини исломни мустаҳкамлаш ва уни кенг ёйиш ишларига маҳкам бел боғлаган эди.

## FAZNAVIIYLAR DAVLATI

Фазнавийлар давлати шимолдан Ҳиндистон, шарқ томондан Тоҳиристон, Хуросон, қисман Мовароуннаҳр шоҳлари, жанубдан Сижистон билан чегарадош бўлиб, Аббосий халифалигининг бир бўлаги бўлган. Фазнавий давлатининг асосчиси туркий ҳокимлардан бири Сабуктакин бўлиб, у 336 йили отасининг вафотидан сўнг ҳоким бўлган эди. Кейинчалик давлатбоши Маҳмуд Фазнавий бўлди. Султон Маҳмуд Хуросонни яроқ кучи билан қўлга киритган замонларда ушбу ҳудудларга кўз тикиб турган Сомонийлар ҳам бундан ўлпон олиш даъвогар эдилар. Маҳмуд асли турк бўлгани учун форсийларга итоат қилишни хаёлига ҳам келтирмаган эди. Лекин у халифалик маркази бўлган Боғдодни иззат қилар ва халифага ўзини тобе деб ҳисоблар эди. Маҳмуд Фазнавий ўз давлатини хар томонлама мустаҳкам-

<sup>1</sup> Шприн Абдуназим. «Мин хилолиг тарих вал адаб.» Қоҳира 1985 йил

лади. Бу даврда Маҳмуд бошлиқ мусулмонлар ўз давлатининг Син (Хитой) қисмида ислом динини мустақамладилар. Иккинчи томонида Хинд шаҳарларини фатҳ қилиб, бу ерларда ҳам ислом динини кенг ёйишга муваффақ бўлдилар. Фатҳ ишларида Маҳмуд Боғдодга — халифа Аббосийга суяниб иш кўрар эди. Аллоҳ йўлида ислом динини ҳимоя қилгани учун Маҳмуд Фазнавий ислом тарихида «Ал Ғозий» деган шарафли унвонга эга бўлди. Аббосийлар халифалигида унга «Амр ул муъминин» деб лақаб беришган эди. Маҳмуд 34 йил (387–421 ҳижрий йиллари) ҳукмдор бўлиб, давлатни бошқарди. У туркийларнинг фахри бўлиб, исломга катта улуш қўшди.

Султон Маҳмуд Фазнавийнинг вафотидан сўнг давлат заифлашиб борди. Бунга сабаб Маҳмуднинг ўғлилари ва набиралари орасида келишмовчиликлар пайдо бўлгани эди. Натигада, давлатнинг бир қисми — Син (Хитой) томони Салжуқийлар қўлига ўтди. Мовароуннаҳрнинг бир қисми ва Эрон ҳудуди унга даъвогар бўлган Сомонийлар, яъни форслар қўлига ўтди.

## ҚОРАХОНИЙЛАР ДАВЛАТИ

Қорахонийларга бошчилик қилган кишининг номи тарихда Абдулкарим Сотук Бағроҳон эди. У 344 ҳижрий, 955 миладий йилларда сулолага асос солган. Сотук Бағроҳон Афросиёб авлодидан. Қорахонийлар давлати икки қисм бўлиб, биринчи давлатнинг пойтахти Боласоғун. Иккинчи қисмининг эса кичик Хоқон идора қилган бўлиб, пойтахти — Тароз шаҳри (кейинчалик Қашқар) бўлган. Вилоятларда ҳукмрон уруғлардан ҳокимлар бўлар эди.<sup>1</sup> Сотук Бағроҳон буддизм маркази бўлган Хутанга, Кучо, Сорниғ, Уйғур хонлари ва бошқа мушрик қабилалар устига юриш қилиб, уларни исломга дохил қилган. Лекин кейинчалик уларнинг баъзилари ўз динларига қайтганлар.

Абулкарим Сотук Бағроҳон тахминан 29 йил (319–344 ҳижрий йиллар) ҳукмронлик қилган. Қорахоний-

<sup>1</sup> Саид Мубошшир Сулаймон Косоний. «Ўрта Осиё тарихи»

лар шоҳи Насрул ҳақ 382 ҳижрий, 992 милодий санада Бухорони кўлга киритган. Шу кунларда Сабуктакиннинг ўғли Маҳмуд Фазнавий Фазнада амир эди. 389 ҳижрий санада Наср хон Боғлод халифаси ал-Қодирий Биллоҳдан Хуросон мамлакатининг ёрлигини олади. Бу даврда сомонийлар ўрнини эгаллаган икки турк давлати Қорахонийлар ва Фазнавийлар ўзаро келишув орқали ўз чегараларини белгилашади. Қорахонийлар ҳудуди Қашқардан Амударёгача чўзилган шарқий Туркистоннинг бир қисми, Етгисой, Шош, Фарғона ва қадимги Суғд минтақасини ўз ичига олган. Фазнавийлар давлати ҳудуди эса Шимолний Ҳиндистон чегарасидан бошлаб Хазор (Каспий) денгизининг жанубий қирғоқларигача чўзилган. Демак, ҳозирги Афғонистон, Жануби-ғарбий Покистон, Шимоли-шарқий Эронни ҳам ўз ичига олган. Қорахонийлар ҳукмдорлари билан Фазнавийлар подшолари бир-бирларига қиз бериб, қуанда бўлсалар ҳам ўртада тез-тез тўқнашувлар, каттакичлик жанглари бўлиб турар эди.

Фазнавийлар тарихининг кўрсатишича, турк қабилалари кўп йиллардан буён ҳозирги Афғонистоннинг шарқий қисмларига жойлашиб қолган эди. Араб муаррихи Истохрий (Иброҳим ибн Муҳаммад Кархий)<sup>1</sup> ана шу даврнинг халаж турклари зоҳирий қиёфалари (ташқи кўриниши) ҳамда тилларини сақлаб қолганларини таъкидлайди. Халажлар неча асрлар ўтиши билан бирлашган туркий қавм сифатида қолган эдилар. Кейинчалик Сабуктакин ўз қўшинларига олган халаж турклари Фазнавийлар эдилар. Қолган қисми гурилар бўлган. Улар Хоразмшоҳ қўшинларининг энг муҳим рукнларини ташкил қилганлар. Афғонларнинг Деҳлидаги Лудин шоҳлари ҳам ана шу халаж зурриётларидандир. Демак, афғонларнинг галжонларга мансуб қабилалари халаж туркларига боғланганлигини кўрсатади.

Фазна шаҳарчаси марказдан узоқда жойлашганлиги сабабли бу ерда арабларнинг нуфузи оз эди. Қобул

---

<sup>1</sup> Иброҳим бин Муҳаммад Кархий ҳам дейилган. «Маслакул масолик» 346 -935 милодий

шаҳри бу даврда Фазнага нисбатан иқтисод ва тижорат жиҳатидан кўп юксак эди. Фазнадаги турк сипоҳийлари ёрдамида Сабуктакин 366 ҳижрий йилда Фазнага ҳоким бўлди. Мана шу санадан бошлаб унинг 20 йиллик салтанати бошланди. Султон Сабуктакин янги мусулмон бўлса-да, Ибн Ул-Асирнинг хабар беришича, хайр-эҳсонли, одил, мурувватли, эътиқоди соғлом, жиҳодга роғиб ва аҳду паймонида маҳкам бўлганлигидан худованди таоло унинг хонадонига барокот берди.

## САЛЖУҚИЙЛАР ДАВЛАТИ

Ушбу давлат «Салжуқийлар» деб номланиши Ўғуз турклар хонадонининг бобоси бўлмиш Даккок ўғли Салжуқ номи билан боғлиқ. Салжуқлар хонадонининг жадди аълоси (бобоси) бўлмиш Даккок кўп шижоатли, бақувват, паҳлавон киши эди. Шунинг учун у Темурболиғ деб шуҳрат топган. Қадимги туркча ном бўлган «Даккок» эса «Янги қовс» маъносини беради.<sup>1</sup>

Фатҳи исломдан илгари Туркистон халқи жуда зич издиҳом бўлган. Қабилалар аҳолисининг сони кўпайиб кетганлиги сабабли ўғузларнинг ҳар бир қабиласига бир бошлиқ бўлиб, турли ўлкаларга кўчиб, яна шу борган жойларини ўзларига ватан билиб, у ерларни обод қилишар эди. Ўғуз қабилалари ана шу даврда жанубдан шарққа томон силжиб, кенгайиб борар эди. Шу сабабли Сайхун, Жайхун дарёлари ёқасидаги бўшлиқлар тўлиб, Казурон денгизининг шарқий қисми, ҳатто, ҳинд соҳилларигача туркий қабилалар жойлашган эди. Маҳмуд Қошғарний ўғузларнинг йигирма икки қабиласи номини этак қилиб ёзади. Ўғузларнинг шаҳзодалари кайниклар ва бошқа қабилаларга бошлиқ бўлганлар. Салжуқ оиласи ва минглаб лашкарлари билан исломни қабул қилиб, бу динни ўргана бошлайди. Бу воқеа 382 ҳижрий йилда бўлган эканлигини ёзишади муаррихлар. Салжуқнинг 3 ўғли бўлиб, улар — Арслон, Микоил ва Мусо-лар. Ассулжуқия давлатига 429 ҳижрий санада Салжуқ-

---

<sup>1</sup> Ширин Абдуганим «Мин ҳилолит тарих вал адаб», «Туркистон мусулмонлари», «Жамъату айнушшамс». Қоҳира



нинг набираси Тугул бин Микоил тарафидан асос солиниб, бу даврда Ғазнавийлар давлати мағлубиятга учраган эди. Тугулбек салтанати халифаликка, яъни Аббосийларга бўйсуниб, итоатда бўлди. Салжуқия давлати ислом тарихида жуда эътиборли, кучли давлат бўлиб, ислом динига ва халифаликка содиқ бўлган. Шимолий Туркистон ва Хитойда ислом динини жонлантиришда жидди-жиҳат билан ҳаракат қилиб, исломни ҳимоя қилган. Файри ислом қабилаларга юриш қилиб, исломни ёйишда фаол қатнашгани учун халифалик Боғдодда Салжуқийларга «Халифаликнинг махсус лашкари» деб ном беришган. Салжуқия давлати жуда тез кенгайиб, улус салтанатни ташкил қилган. Бу давлатнинг худуди, шимолда Син (Хитой) ва Ҳинддан то ғарбда Оқ денгиз (Ўрта ер денгизи)гача, Қора денгиздан то жанубдан Халижгача ҳамда Мовароуннаҳр, Эрон, Ироқ, Шом, Кичик Осиё ҳудудларини ташкил қилган. Салжуқийлар ислом тарихида Кичик Осиё (Византия), Рум давлатларини фатҳ қилиб, бу ерларда исломни тарқатганликларини алоҳида эътиборга моликдур. XI асрда Византияни Салжуқийлар фатҳ қилган бўлса, яна тўрт асрдан сўнг, XV асрга келиб, Усмония давлати Салжуқийларнинг ишини давом эттирди ва масихийлар билан курашиб, бу ерларни қайта исломий давлатга айлантирди. Шунинг учун ҳам ислом давлатларининг ичида уларнинг номи фахр билан тилга олинади.

## ҚОРАХИТОЙЛАР ДАВЛАТИ

Қорахитой давлати мусулмон бўлмаган қабилалардан тузилиб, VI ҳижрий асрнинг ярмидан бошлаб, Манжуқиянинг жанубий қисми, Шимолий Хитой ўлкалари, Шарқий Туркистон, Қашқар ва Хутон вилоятларини бирлаштириб, буюк давлат тузилди.<sup>1</sup> Қорахитойлар давлати мўғуллардан олдинги даврда шарқий туркларнинг муқаддир давлатлари бўлиб, улар исломга кирмаган эдилар. Улар Султон Санжар Салжуқий бил-

<sup>1</sup> Ширин Абдунаим «Мин ҳилолоти тарих вал адаб», «Туркистон мусулмонлари», «Жамнату айнушшамс» Қоҳира

лан муҳораба қилишиб, ғолиб келишгач, Шимолний Самарқандни олиб, ҳатто Хоразмгача боришган. Манбаларга қараганда, қорахитойлар милодий асрнинг бошларида ҳам мавжуд бўлиб, мўғуллар билан тангутлар қўшилишларидан вужудга келган. Ҳар ҳолда, буларнинг биринчи хонлари Той Тасу 304-316 ҳижрий йилда ҳукм сурган. Унинг издошлари Шимолий Син ўлкаларини истило қилиб, ўзларига «Гиёу» деб унвон берганлар. Улар «Будда» мазҳабининг пирлари эдилар. Давлат тепасига Гурхон (Буюк хон) келгач, 531 ҳижрий, 1137 милодий санада ғарбга томон юриш қилиб, Фарғона, Шош, Зарафшонни олиб, Хўжанд ёнида Қорахитойлар султони Маҳмудхонни катта мағлубиятга учратади. Сўнгра султон Санжар Салжуқийни ҳам тор-мор қилиб, Хоразмшоҳ Отсизни ҳам мағлуб этади. Гурхоннинг ўта моҳирлиги шундаки, у ҳар юз лашкарга бир бошлиқ қилиб, юздан орттирмас, бу услуб лашкарларнинг қўзғолон қилишларига йўл қўймас эди. Қорахитойлар давлати Мовароуннаҳрда саксон йил давр суриб, мусулмонлардан бож олиб турди. Бу силсилани 607 ҳижрий йилда Султон Аловуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ кучли хонлар билан биргаликда ўртадан кўтардилар.

## ХОРАЗМИЙЛАР ДАВЛАТИ

Туркистондаги исломий давлатлардан бири Хоразмийлар давлати бўлиб, Салжуқийлар давлати заифлашган замонда ушбу давлат зоҳир бўла бошлади. Араб муаррихлари ахборотларига қараганда, Хоразмийларнинг насаб сулоласи Салжуқ амирларидан бири Гуржистондан сотиб олган Ануштакин исмли миллати турк бўлган қулга етиб борарди. Ануштакин тадбирли, шижоатли бўлгани учун уни Хоразмга дастлаб валий қилинган. Ануштакин вафотидан сўнг унинг ўғли Кутбиддин Хоразм валийси бўлгач, ўзини шоҳ деб атади. Бу даврда Салжуқий амирлари қорахитойлар таъсирида анча заифлашиб қолган эди. 490 ҳижрий йилда Ануштакин Хоразмшоҳ унвонига соҳиб бўлди. Ана

шу даврдан бошлаб Ануштакин ворислари Салжуқийлар салтанатидан ажрашни хоҳлаб, Хоразмни мустақил деб билдилар. Хоразмшоҳлар давлати Туркистон, Мовароуннаҳр, Фарбий Афғонистон, қисман Эрон минтақаларини ўз ичига олган бўлиб, улар асли мусулмон динидаги туркий қавмга мансуб эдилар. Тиллари туркий бўлса ҳам сақофат ёзувлари арабий ва қисман форсий эди, аммо туркий ёзувлари ҳам бўлган.<sup>1</sup>

Мана шу асрлардаги сиёсий воқеаларни кўздан кечирадиган бўлсак, Ўрта Осиёда вужудга келган давлатлар қорахитойлар, газнавийлар, салжуқийлар, гурийлар, хоразмшоҳлар ва бошқалар ўз ораларида ҳар хил фитналар кўзгашиб, адоватлар туғдиришиб, ўзларининг шахсий манфаатлари учун миллатларини фидо қилиб, халқни эзар эдилар.

Давлат фитналаридан ташқари мухталиф мазҳабларнинг тарқалиши билан мусулмонлар ўрталарига ишончсизликлар, душманликлар жойлашиб борар эди.

Ануштакиннинг ўғли Кутбиддин Муҳаммад ўз даврида салжуқийлар султони Санжар билан жуда яхши муносабатда бўлиб, унинг муҳаббатини қозонган эди. Ануштакиннинг набираси Отсиз бин Муҳаммад 521 ҳижрий йилда Хоразм хукуматини янада мустақкамлади ва давлатни кенгайтириш йўлида юришлар қилди.<sup>2</sup> У Сирдарё этагидаги Мингқишлоқ ерларини қўшиб олди. Қўшни кўчманчи Қипчоқ туркларини ўз таъсирига олиб, Хоразм қўшинларини тузишга киришди. Султон Санжар Хоразмга катта қўшин билан бир неча бор хужумга ўтди. Лекин унинг уринишлари натижасиз бўлди. Отсиз 534 – ҳижрий, 1135 милодий йилда Бухорога хужум қилиб, шаҳар ҳокими Зангибин Алини қатл қилди. 1141 милодий йилда Отсиз Марвни забт этди. 551 ҳижрий, 1156 милодий йилда Отсиз вафот этиб, унинг вориси Эл-Арслон Хоразм тахтига ўтирди. Бу даврда Қорахонийлар давлати заифлашиб қолганлигига қарамай, Хоразмшоҳ Қорахонийларга бож тўлаб турар эди. 1172 милодий йилда қорахитойлар Хоразмга

---

1 Аббос Иқбол «Тарихи Эрон»

2 Саид Мубошир Сулаймон Косоний. «Ўрта Осиё тарихи»

бостириб киргач, Эл-Арслон ўлдирилди. Хоразмийлар қорахитойларга қарам бўлиб, Эл-Арслоннинг кичик ўғли султон Шоҳ Маҳмуд тахтга ўтиради, лекин ички жанжаллар оқибатида тахтга Такаш ўтиради. Хоразмшоҳ Такашнинг вақтида унга мухолифат Гур подшоши Гиёсиддин Гурий Ҳиротни ишғол қилиб, Хуросоннинг бошқа минтақаларига ҳам ўз таъсирини ўтказа бошладди. 596 ҳижрий, 1199 милодий йилда, отаси вафотидан сўнг, Хоразм тахтига Алоуддин Муҳаммад бин Такаш ўтирди. 611 ҳижрий йилда Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ билан мусулмон оламининг пойтахти бўлган Бағдоддаги халифа Носир Аббосий ораларига фитна тушди. Натижада, Хоразмшоҳ халифа номини хутбалардан ўчиртирди. Бу ишга замонаси қозиларининг фатвосини ҳам олди.

614 ҳижрий санада султон Муҳаммад Хоразмшоҳ Боғдодга, халифага қарши аскар тортди, аммо қиш фасли бўлгани учун аскарлар совуқ таъсирида шикаст топиб, Хоразмшоҳ хасталанди. Муаррихларнинг фикрича, Хоразмшоҳнинг шикаст топишига бир неча сабаблар бор эди. Улардан бири давлат ишларига Хоразмшоҳнинг онаси Туркон хотун аралашиб, ҳатто ҳарбий юришга ҳам раҳбарлик қилганлиги бўлса, яна бир сабаби Боғдодга қасд қилиб, халифа номини хутбадан олдирганининг мусулмонлар оммасига салбий таъсир қилгани эди.

Ана шу даврда ислом мамлакатларида фалокат юз бериб, Чингизхон бостириб кела бошлади.

Муаррихларнинг фикрича, Аббосийлар халифаси Носирнинг 46 йиллик хилофати зулм, сарватмоҳ тўплаш билан ўтди. Халифанинг нобакорлиги сабабли мусулмон подшолар ўртасида зиддиятлар пайдо бўлди.

Бунга бир мисол: Жалолиддин Мангуберди Ироқ, Шом, Рум амирларидан ислом ҳимояси учун мўғулларга қарши ёрдам сўраганда, халифа Носир юқоридаги амирларни Жалолиддинга қарши қўйиб, муқобилига аскар жўнатди. Халифанинг бундай ҳаракати оқибатида мамлакатни душман қўлига топшириш учун замин тайёрланди.

## МОВАРОУННАҲР, ХУРОСОН ВА ХОРАЗМ МЎҒУЛЛАР ИСТИЛОСИ ДАВРИДА (VII ҳижрий асрдан)

«Мўғул» сўзи қабилавий маънодан кўра кўпроқ сиёсий маънога эга бўлган. Мўғуллар ўзларининг кўп сонли ва эътиборли ҳисобланган татар қабиласи номни билан юритиб, «татар» деб номланганлар. Шундан кўриниб турибдики, мўғуллар ҳам туркнинг узоқ ёки яқин бир бўлаги бўлган.<sup>1</sup> Мўғул қабилаларини бирлаштирган ва ярим кўчманчи мўғул давлатини барпо қилган киши «Тимучин» бўлиб, у 603 ҳижрий 1206 милодий йилдан кейин Чингизхон деган номни олди. Тимучин мўғуллардан кўп сонли яхши қуролланган, уюшган, интизомли қўшин тузди. Тўққиз туғли оқдан байроқ кўтарди. Унинг лашкарлари тинчлик вақтида чорва билан машғул бўлиб, уруш чоғида уларни барча мўғул кўчманчилари қўллаб келган. Ўнли ҳисоб низоми бўйича ўнлик, юзлик, минглик, туман (ўн минглик)лардан иборат бўлган қўшинга айланар эдилар. Ҳар бир жангчи ҳарбий юриш чоғида ўзига зарур бўладиган ҳамма яроқ-аслаҳаларни, яъни қуроллар — камонлар, камон ўқлари, қиличларни, миниладиган ва юк ортиладиган улов — отлар, туялар, эшакларни ва турли хил асбоблар — арқон, қозон, ўроқ, игна, болта ва бошқа зарур буюмларни олдиндан тайёрлаб қўйиши керак бўлган. Қўшин бошлиқлари, яъни юзбошилар, мингбошилар, туманбошилар мўғул аслзодаларининг вакиллари бўлиб, баҳодирлар, мерганлар, сеченлар, нуёнлар эди. Туманларга гоҳо шаҳзодалар бошчилик қилар эдилар. Мўғул аскарлари ниҳоятда интизомлилиги билангина эмас, балки ҳарбий юришларда ғоят чаққонлиги, чидамлилиги ва ботирлиги билан ҳам ажралиб турганлар. Чингизхон ихтиёрида асосий қўшиндан ташқари хусусий лашкари «кешик» ҳам бор эди. Чингизхон уни жангларда кам ишлатар, ташқи ва ички томондан бўлиши мумкин бўлган ўта хавфли ҳолатлар учун сақлаб

<sup>1</sup> Саид Мубошир Сулаймон Косоний. «Ўрта Осиё тарихи»

турар эди. Булардан ташқари хонни минг нафар бо-  
тир муҳофаза қилар эди.

Чингизхон мўғулларни бирлаштириб, катта мўғул  
давлатига асос солгандан кейин Чин (Хитой) мамла-  
катига бостириб киришга тайёргарлик кўра бошлади.  
Чин давлатининг шимолий қисмига ҳарбий юриш бош-  
лашдан олдин 606 ҳижрий, 1209 милодий йилда Чин  
тупроғининг шимолий-шарқий томонидаги Тангун  
мамлакатига ҳужум қилди. Мўғуллар бу ҳужумда катта  
ўлжалар ҳамда ўша замондаги Кин сулоласининг ҳук-  
ми остида бўлган Шимолий Чин ва унга борадиган  
йўлларни жуда яхши биладиган кишиларни асир қилиб  
олдилар. Чингизхон 608 ҳижрий, 1211 милодий йилда  
Шимолий Чин тупроғига қўшин тортиб борди. Унинг  
ўғиллари Жўжи, Чигатой, Ўктой, Тўли, шунингдек,  
икки номдор кўмондонлари Жўба, Субутой ҳам Чин-  
гизхон билан бирга эдилар. Чингизхон учта шаҳарни,  
жумладан, Шугунни эгаллади. Бу юришда Чингизхон  
Пекинга бормаи (611 ҳижрий, 1214 милодий йилда) катта  
ўлжалар билан қайтиб кетади. Аммо Чин императори  
Вай Вонж билан сулҳ тузади. Унга биноан Хитой Чин-  
гизхонга беш юзта гуломгури, уч минг от ва бошқа  
ашёларни берди, лекин кейинчалик Хитой у сулҳни  
бузгач, бу фурсатдан фойдаланган Чингизхон 1215  
милодий йилда Хитойга ҳужум қилди ва Пекинни ис-  
тило қилди. Натижада, бу шаҳардан кўп катта ўлжа-  
ларни қўлга киритди. Мўғуллар ҳаётида кўрмаган ха-  
зиналардан шундай бой бўлдиларки, ҳатто чодирлари  
ипакдан тўқилди, қиличлари эса жавоҳирлар билан бе-  
жалди.

Чингизхон шимолий юришда эришган катта ютуқ-  
ларини мустаҳкамлаганидан кейин ғарбга — Хоразм-  
шоҳ ҳамда ўзининг ашаддий душмани бўлган қорахи-  
тоёлар давлатини босиб олган Кучликхон томон юриш-  
ни ният қилди. Кучликхон найман қабиласидан бўлиб,  
бу қабила туркийлардан бўлса ҳам мўғуллик табиатла-  
ри голиб эди. Булар Мўғулистоннинг Архун анҳори  
юқори қисми ва Олтой тоғларининг этагидаги кўллар  
атрофида жойлашган эди. Кучликхон ўзини мустақил

хонлик деб санар эди. Улар насроний динига мансуб эдилар.

Чингизхон 1206 милодий йил найманларга қарши жанг қилиб, уларни тор-мор қилди. Аммо Кучликхон қорахитойлар хони Курхон томон қочди. Шарқий Туркистон тарихининг ёзилишича, Кучликхон Хутон, Ёрканд, Қашғар, Еттисув ва Фарғона вилоятларидан иборат анча катта, аммо бесабот давлатни қурди.

Унинг дастлаб қилган иши аҳолини ислом динидан қайтариб, шомон динига даъват қила бошлади. Бу иш билан мусулмонларнинг умумий нафратини кўзғатди. Кучликхон мусулмонларга зулм ўтказиб, мусулмонларни қатл этиб, масжид ва мадрасаларни бузиб юборди. Ана шу вазиятда у тўрт йил ҳукм сурди. 1218 милодий йилда Чингизхон лашкарлари Шарқий Туркистонни эгаллаб, мусулмонларга диний ҳуррият эълон қилдилар. Кучликхон мўғуллар томонидан қатл этилди. Бу иш билан Чингизхон ўзи мусулмон бўлмаса-да, мусулмонлар душманини ўлдириб, аҳоли ўртасида обрў қозонмоқчи эди.

## МУҲАММАД ХОРАЗМШОҲ БИЛАН ЧИНГИЗХОН ЎРТАСИДАГИ ЭЛЧИЛАР МУЗОКАРАЛАРИ

Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ Мовароуннахрни истило қилгандан кейин син (Хитой) мамлакатларини ҳам фатҳ қилиш мақсадини олдинга қўйган эди. Пекинни Чингизхон босиб олганлиги ҳақидаги хабар Хоразмшоҳга етгач, ушбу хабарни аниқлаш ва Чингизхон қўшинлари ҳақида маълумот олиш учун Баҳоуддин Розий бошчилигидаги элчиларни унинг ҳузурига юборди.<sup>1</sup> Элчилар Туркистондан ўтиб, Мўғулистонга бордилар, лекин Чингизхон билан Пекинда учрашдилар.

Чингизхон мусулмонларга яхши муносабатда бўлиш ва улар билан савдо-сотиқ қилиш жуда фойдали деб ҳисоблар эди. У Муҳаммад Хоразмшоҳни Фарбнинг ҳукмдори деб танишлити, ўзини эса Шарқнинг тўла ҳокимиятига

<sup>1</sup> Аббос Иқбол. «Тарихи мўғул». Техрон

эга бўлган подшо деб ҳисоблаётганлигини бориб эшиттиришни илтимос қилди ҳамда икки давлат орасида сулҳ ва маслаҳат ўрнатиб, савдогарлар карвонлари билан ўртада олди-берди қилинса, деган орзусини билдирди. Муҳаммад Хоразмшоҳ Чингизхоннинг таклифларига қўшилиб, битимга имзо чеккан бўлса ҳам, бу ишлардан кўнгли тўлмай, Чингизхоннинг савдо карвонлари билан юборган элчиларига кўпол муомалада бўлди. Аммо ўртадаги элчилар бошлиғи мусулмонлардан бўлгани учун бу хабарни Чингизхонга силлиқлаб, ўртани ислоҳ қилиш учун хурсандчилик билан етказган эди.

615 ҳижрий, 1218 милодий йилда Чингизхон Хоразмга 455 киши, 100 туядан иборат катта савдо карвонини йўлга солди. Одатдагидек, карвонга мусулмон бошлиқлар раҳбарлик қилар эди. Аммо карвон Урганчга етиб бормади. Карвонни чегара шаҳар атрофида Хоразмшоҳ одамлари ушлаб, молларини талон-тарож қилиб, карвон аҳлини қатл қилдилар. Чингизхон мўғул савдогарларининг қатл бўлганидан хабар топгач, ўзини босиб олиб, Хоразмшоҳга элчи қилиб Қози ибн Кифраж Бугрони воқеани аниқлаш ва карвонни талаган Файрхонни ушлаб беришини Хоразмшоҳдан талаб қилиш учун жўнатди. Аммо Хоразмшоҳ элчини ўлдириб, бошқаларини шарманда қилиб жўнатди. Хоразмшоҳнинг бундай қалтис иши ислом дунёсини мўғуллар селига гарқ этганлигини муаррихлар таъкидлайдилар. Энди уруш бўлишига ҳамманинг ақли етиб қолди.

## **МОВАРОУННАХРДА МЎҒУЛЛАР БИЛАН БЎЛГАН УРУШ** *(1219-1221 милодий йиллар)*

Чингизхон кўшинларининг Еттисойда бошлаган уруш ҳаракатлари Хоразм давлатида ҳарбий жонланишга сабаб бўлди. Хоразм давлати кўп сонли турк лашкари ва яхши қуролланган кўнгилли аскарларга эга эди. Мамлакатда қамал қуроллари ва уларни ишлатишга моҳир одамлар ҳам кўп эди. Озиқ-овқат ва отлар учун ем-хашак ҳатто узоққа чўзиладиган урушга етадиган



даражада ғамланган эди. Хоразмшоҳ ҳарбий мажлис чақирди, аммо унда бўлажак уруш тўғрисидаги қарорларда ихтилофлар туғилди. Бунинг сабаби Хоразмшоҳнинг қўшин бошлиқлари ва атрофидаги ҳоким амрлари орасидаги иттифоқнинг йўқлиги эди. Сон жиҳатидан Хоразмшоҳ қўшини ортиқ эди. Имом Шаҳобиддин Ҳевоқий султон саройида катта иззат ва обрўга эга эди. У мажлисда бундай сўзлади: «Атроф Жавонибга номалар ёзиб билоди. Ислому мудофааси учун аскарлар йиғиб, Сирдарё қирғоғида туриб, мўғулларнинг йўлини боғласун», — деганда, бошқа амрлар имом сўзини рад қилиб, бундай дедилар: «Яхшиси шулки, мўғуллар Мовароуннаҳрга келсунлар. Чунки улар бу жойдаги йўлларни яхши билмаганликлари туфайли уларнинг ишларини тоғлар ва даралар орасида тезлик билан тутатиш осон». Занфуннафс Султон тўғри ва маъқул сўзлаган шайх Шаҳобиддин Ҳевоқийнинг берган фикрини маъқул қилмади. Иккинчи гуруҳнинг маслаҳати билан иш кўрди. Хоразмшоҳ ўзининг олий кўмондонлари бўлган қипчоқларга тамоман ишончсизлик билан қараб, фурсатдан фойдаланиб, тахтдан ағдариб ташлашларидан кўрқар эди.

Чингизхон Мовароуннаҳрга тўрт томондан юриш қилиш режаси билан ўзининг ҳамма қўшинларини тўрт қисмга бўлди. Жами аскарларининг сони олти юз майдан ортиқ деб кўрсатилган. Биринчи қисм — етти туман (70000 киши) отлиқ бўлган катта қўшинга ўғлилари Чигатой ва Уқтой бошчилиқ қилиб, уларга Ўтрорни ишғол қилиш вазифаси топширилди. Иккинчи қисм Жўжи бошлиқ пиёдалар бўлиб, Сирдарё қирғоғи шаҳарлари мусулмонларини истеҳкомга олиш юклатилган эди. Учинчи қисм — кичик бир беш майдан кишидан иборат қўшин бўлиб, Хўжанд ва Баноқатни ишғол қилишга мўлжалланди. Тўртинчи қисм — Чингизхон ўзи бош бўлган катта қўшин бўлиб, ўғли Тули билан бирга Мовароуннаҳрнинг ўртасидан кесиб ўтиб, Бухорони олиш мақсадини кўзлаган эди. Сўнгра тўрт қисмининг ҳаммаси бирлашиб, Хоразмни ишғол этиш мўлжалланган эди.

Мўғул қўшинлари ичида ёниб турган нефтли идишларни прғиладиган манжалия (отувчи асбоб)лар кўп эди.

Чингизхон ўзининг ҳарбий юришларидаги талончилик, ўт кўйиш, аҳолини қатл қилиш, кўрқитиш усуллари мусулмонлар устидарига ҳам кўллади. У Ўрта Осиёга кириб келиши биланоқ мусулмонларни ёппасига қира бошлади. Ўтрор шаҳри ҳокими Файюрхон ўзининг йигирма минг аскарлари билан мардонавор жанг қилди. Хоразмшоҳ Фаюрхонга ёрдам учун ўн минг кишилик лашкар юборган эди. Икки ой жанг бўлиб, Чингизхон аскарларидан жуда кўп қирилди. Аммо мусулмонлар ҳам кўпчилиги шаҳид бўлиб, баъзилари душманга таслим бўлиб, у томонга ўтганлари ҳам бўлди. Фаюрхон қаҳрамонларча жанг қилиб, охири икки киши қолишди. Мўғуллар уни ҳар томондан ўраб, тирик кўлга олиб, Чингизхон ҳузурига олиб боришди. Фаюрхонни жуда қаттиқ азоб остида шаҳид қилишди. Ўтрор истилоси Чигатой ва Ўқтой томонидан бажарилди. Бу пайтда Чингизхон Бухоро томонга йўл олган эди. Жанд<sup>1</sup> шаҳрининг ҳокими Қулғуғхон шаҳарни ташлаб, Хоразм томонга қочди. Жанд истило қилинган, Жўжи шу шаҳарда қолиб, келаси йили Хоразм истилоси учун жўнади.

Чингизхонга қарши курашга тайёргарлик кўраётган шаҳарларга мўғуллар элчи юбориб, уларни таслим бўлишга чақирар эдилар. Агар шаҳар аҳолиси кўнса, мол-мулклари олиниб, жонлари омон қолар эди. Ёшларни эса ажратиб, ўз лашкарлари қаторига кўшар эдилар.

## БУХОРО ИСТИЛОСИ

1220 йил феврал, яъни 616 ҳижрий Зулҳижжа ойида Чингизхон Бухоро дарвозасига етиб, шаҳарни қамалга олди. Хоразмшоҳнинг Бухородаги қўшинлари сони, муаррихларнинг фикрича, 12000 дан 30000 гача етар эди. Уларнинг бошлиқлари Ихтиёриддин Кучлишоҳ ва Инончхон Ҳожиб эдилар. Мусулмон қўшинлари шаҳар ҳимоясига ўтдилар, лекин бундай катта кучга дош

---

<sup>1</sup> Бу Ўзжанд Ёки Ўзганд Жанд музофотидан бўлиб Фарғонадаги машхур ўзжанд эмиш

бера олмадилар ҳамда таслим бўлишга мажбур бўлдилар. Шаҳар қозиси Бадриддин ва Бухоро оқсоқоллари бирликда Чингизхон ҳузурига бориб, омонлик талаб қилдилар. Мўғул хонидан қабул жавобини олишгандан сўнг мўғулларга шаҳар дарвозасини очдилар.

Муаррих Атомалик Бухоро фожеасини бундай баён қилган: «Чингизхон шаҳарга киргач, жоме масжидининг ичига кириб сўради: «Бу Султоннинг уйими?» «Йўқ, бу худонинг уйдир», дейдилар. Мўғуллар шаҳардаги хазиналарни очиб, таладилар. Масжиддаги Куръон кўйилган сандиқларни келтириб, отларга охур қилиб бердилар. Каломуллоҳни отларнинг оёқлари остига ташладилар. Масжидга шароб келтириб жойлаштирдилар, хонанда ва раққосаларни келтириб, рақсга туширттирдилар. Ўз асрининг машҳур уламолари, машойихлари ва мужтаҳидлари мўғулларнинг қора хизматига туриб, уларнинг амри фармонларини бажарар эдилар. Лекин шаҳар аҳли бутунлай таслим бўлмаган, тўрт томондан қамал қилинган Бухоро арки мўғуллар қўлига ўтмаган эди. Арк мустаҳкам ва қулай шароитда бўлиб, ўн икки кунлик жангдан кейин, Қурбон ҳайити куни ишғол қилинди. Мўғуллар шаҳар бойликларини талаб, шаҳардан ташқарига жойлаштириб, шаҳарга ўт қўйдилар. Бухоро шаҳри бутунлай куйиб, култёпага айланди.

Хулоса қилиб шуни айтиш лозимки, Мовароуннаҳр кўзининг нури бўлган Бухоро — ислом дунёсида назари кўрилмаган обод, уламо-фузало аҳли одобининг маркази бўлган бу жой — тамомила вайрона бўлиб, унинг мазлум халқи устиларида кийган жомаларидан бошқа тамом уй-жойлари ва бойликлари мўғулларнинг мисли кўрилмаган даҳшатли фожеалари остида барбод бўлди. Бухоро ҳодисасидан кейин жонни сақлаб қолган бир киши Хуросонга келганда ундан аҳволни сўрашдилар. У бундай жавоб берди: «Келдилар, буздилар, куйдирдилар, ўлдирдилар ва кетдилар».

Истилочи мўғуллар Бухородан кўп асирлар олдилар, тирик қолганларни Номозгоҳга ҳайдаб, улар ичидан соғлом, бақувватларини шаҳарларни қамал қилишдаги оғир хизматларга олдилар».

## ЧИНГИЗХОННИНГ САМАРҚАНДГА ЮРИШИ

Муаррих Ибн ал-Асир мўғулларнинг Бухородан Самарқандга қилган юришларини қуйидагича таъриф қилган: «Мўғуллар Бухородан тўпланган асирларни пиёда орқаларидан пода қилиб ҳайдаб келмоқда эдилар. Бечора асирлар орасида қарилар, касаллар, заиф кишилар ҳам бўлган. Аммо йўл юришда чарчаган, ожизлик кўрсатганларни мўғуллар йўл-йўлакай ўлдириб келар эдилар. Самарқандга етганларида асирлардан ҳар ўн кишига бир мўғулни бош қилиб, лашкар ҳолатига келтирдилар».<sup>1</sup>

Мўғуллар 617 ҳижрий (1220 милодий) йилнинг муҳаррам ойида шаҳарга яқинлашдилар. Туркон хотуннинг иниси Туғойхон шаҳар мудофаасига бош бўлиб, манбалар мудофаачилар сонини ҳар хил, 20 мингдан 40 минггача деб кўрсатишади.

Хоразм қўшинлари мўғуллар билан муқобала бўлишга эътироз қилдилар. Лекин ғайратли шаҳарликлар ўз она шаҳарларини душмандан муҳофаза қилиш учун шаҳар қамалининг учинчи куни кўп сонли душманга ҳужум қилиб шаҳардан чиқдилар.

Чингизхон шаҳардан ташқаридаги Кўк Сарой қасрида туриб, шаҳарни қамал қилиш режаси билан машғул бўлди. Мўғуллар ҳарбий найранглар ишлатиб, аввалида орқаларига қараб қочдилар, бечора мусулмонлар мўғулларнинг шайтонлик ҳийлаларига алданиб, уларнинг орқаларидан қувиб бордилар. Шаҳардан яшнгина узоқлаштириб олгач, орқаларидан бошқа ёрдамчи куч келиб, икки томондан мўғуллар ҳужумга ўтиб, мусулмонларни қириб ташладилар.

Ибн ал-Асир бу маъракада шаҳид бўлганлар сонини етмиш минг киши деб ёзади. Бу воқеадан кейин шаҳар аҳолиси юракларига ваҳима тушиб, Чингизхондан омонлик сўраб, унга таслим бўлди. Самарқандда ҳам Бухоро устига келтирилган мусибатни такрорладилар.

---

<sup>1</sup> Алкомил фиттарих.

## ФАРФОНА ИСТИЛОСИ

Ўтрор, Бухоро, Самарқанд шаҳарларини истило қилгач, мўғуллар Фарфона томонга юрдилар. Шу чоғдаги Хўжанд ҳокими Хоразмшоҳнинг ботир амирларидан бўлган Темур Малик эди. Мўғуллар истилосида кўрсатган шижоати, қаҳрамонлиги учун Темур Маликнинг номи тарих саҳифаларида Туркистон халқининг фидокор фарзанди сифатида қайд этилди.<sup>1</sup>

617 ҳижрий, 1220 милодий йилнинг ёз фаслигача ҳозирги Ўзбекистоннинг шарқий ва марказий қисмлари мўғуллар қўлига ўтган эди. Бу даврида мамлакат танг аҳволда бўлгани учун Муҳаммад Хоразмшоҳнинг кўрган тadbирлари ҳам наф бермас эди.

### МЎҒУЛЛАРНИНГ АМУДАРЁДАН ЎТИШЛАРИ

Ўз муваффақиятсизлигидан кўрқа бошлаган Хоразмшоҳ қароргоҳидан чиқиб, Эрон томон кетмоқни ихтиёр қилди. Шоҳнинг тўнғич ўғли Жалололдин Мангуберди бу ҳаракатнинг натижаси ҳалокатга олиб боришини сўзлаб, отасини мамлакатдан чиқиб кетмасликка ундайди. У отасига шундай деган эди: «Агар кетиб қоладиган бўлсангиз, халқ Султон ёлғиз солиқларни йиғиб олишни билур эди, хавф ва хатар остида турган халқни ва мамлакатни ҳимоя қила олмади, деб гапирурлар». Ваҳима ва кўрқув босган шоҳ ўғлининг ор-номусга олиб келувчи сўзларига қулоқ солмай Нишопур томонга жўнайди. Чингизхон Самарқанду Фарғонани истило қилгандан сўнг яна ўз кўшинларини бир неча қисмга бўлиб, ҳар бир қисмини Хоразмшоҳ мамлакатининг таслим бўлмаган жойларига юборди. Уч туман (30 000) лашкарни Муҳаммад Хоразмшоҳ орқасидан юбориб, тўхтовсиз юриб, Хоразмшоҳни қаердан бўлса ҳам қўлга тушириб, ҳузурига олиб келишни буюрди. Икки катта ўғиллари Чигатой ва Ўқтойни кўп сонли қўшин билан Хоразмшоҳ давлатининг пойтахти

---

<sup>1</sup> Саид Мубошир Косоний. «Ўрта Осиё тарихи».

Урганча юборди. Хоразмшоҳнинг Ироқи ажам ҳукмдори бўлган ўғли Рукниддин отасига нома юбориб, уни Ироққа чақирди ҳамда мўғуллар йўлини тўсиш учун аскар йиғиш тараддудига тушди.

Чингизхон 1220 милодий йилнинг кузида Нахшаб (Қарши)дан чиқиб, Амударё бўйидан юриб, машҳур шаҳар — Термизга етиб келади. Термиз шаҳри мудофаачилари таслим таклифини рад қилишгач, икки томон бир қанча кун манжалиқлар билан уруш бошлайдилар. Ўн бир кундан сўнг мўғуллар шаҳарни забт этиб, аҳолини қатл қилдилар ва шаҳарни вайронага айлантирдилар.

617 ҳижрий Раббиал аввал ойида Чингизхоннинг уч номдор кўмондонлари Жўба ниён, Субутой баҳодир ва Тугажор ниён қўшинлари билан Амударёдан кечиб ўтиб, Пушножга ҳужум қиладилар. Шу жойда мўғул лашкарбошиларида бири ҳалок бўлади. Пушножни вайрон қилиб, Нишопур томон жўнайдилар. Субутой баҳодир Домгон, Саманон йўлларида Райга келади. Хамадондан ўтиб, Мозондарон ва бошқа шаҳарларни вайрон қилиб, аҳолини қатли ом қилади. Шу ерда мўғуллар Хоразмшоҳ лашкарлари билан тўқнашадилар. Ушбу жангда шоҳнинг кўп сипоҳлари қирилиб кетади, ўзи эса бир илож қилиб саломат қочиб-қутилади. Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ шу чоғда қаттиқ касалга учрайди ва 617 ҳижрий, 1220 милодий йилнинг декабр ойида Абокун Жазирасида вафот этади. Кейин, Султон Жалолиддин Мангуберди Эронни қўлга киритгач, отасининг жасадини Жазирадан олиб, Ардахун қалъасига дафн этади. Аммо, тарихи мўғулнинг баёнича, Султон Жалолиддин қатл бўлгандан кейин Ўқтойхоннинг фармони билан шоҳнинг чириган суяқларини чиқариб куйдирадилар.

### ХОРАЗМ ВОҚЕАСИ (618 ҳиж., 1221 милодий й.).

Журжония ёки Урганч — Хоразм пойтахти — тарихда дунёнинг, хусусан, мусулмонларнинг обод, бой ва сернуфуз шаҳри, илм ва одоб марказларидан ҳисобланиб келган.

Кўп сонли масжид, мадрасалар ва катта ганжхоналар (олтин сақланадиган омбор) бор эди. Отсиз давридан кейин бу шаҳарга олимлар, донишмандлар, шоирлар, адиблар Хуросон, Ироқ, Мовароуннаҳрдан келишиб жойланишлари туфайли тездан юксалиб, шухрати барча мамлакатларга тарқалди. Яна бу шаҳарнинг юксалишига сабаб бўлган муҳим омил — унинг, бир томондан, қипчоқлар мамлакатларидан бошлаб Жанубий Россияга олиб борувчи карвон йўллари устида бўлганлиги. Мовароуннаҳр орқали шарқий томондан Чин (Хитой) мамлакатига, жанубдан ҳозирги Афғонистон, Ҳиндистон, жануби-ғарбдан Эрон ва Боғдод билан катта карвон йўлларининг бир-бирига улашган жойи Урганчда бўлиб, савдогарлар ўз матоларини ушбу шаҳарга келтириб, кейин бошқа мамлакатларга олиб борардилар. Демак, бу шаҳар катта тижорат маркази бўлиши муносабати билан унинг бозорлари равнақ топган эди.

Шаҳобиддин Ёқуб Алхамави мўғуллар Урганчни истило қилмасларидан олдин бу шаҳарда бўлганлиги учун бундай таърифлайди: «Ҳеч қачон мен бу каби обод шаҳарни кўрмаганман. Ободонлиги бир-бирига туташган ва қишлоқлари ҳам бир-бирига ёпишган, биёбондаги уй ва қасрлар биносининг кўплиги ва дарахтларнинг зич, қалинлиги, айниқса, тутзорларнинг кўплиги у ерда пилла ва ипак катта поймонада ривожланганлигидан. Бирон киши бу қишлоқлардан ўтса, бу жойларни шаҳарлардаги бозорлардан фарқ этолмайди».<sup>1</sup>

Отсиз Хоразмшоҳ Султон Санжар билан ораси бузилгандан сўнг унга рақобат тариқасида атрофдан уламолар, шукролар, удаболарни Хоразмга таклиф қилиб ўз теварагига йиғди. Айниқса, Отсиз 538 ҳижрий йилда Хуросонни эгаллаб олгандан сўнг бу ўлкани номдор уламоларини ҳам пойтахтга чақирди. Шу тариқа Урганч уламо ва фузалоларнинг ижтимоий маркази бўлиб қолди. Шу даврнинг алломаларидан имом Замахшарий, Абулқосим Муҳаммад ибн Умар Хоразмий

---

<sup>1</sup> Муҳжаму албулдон. 2-жуз. 396-саҳифа

(467-538 ҳижрий), Амир Рашиддин Муҳаммад Балхӣй, шоир Баҳовуддин Муҳаммад бин Мӯйид Бағдодӣй, шайх Мансудин Шароф бин Мӯйид Бағдодӣй, имом Шаҳобиддин Абу Саид бин Умар Хийвақӣй, шайх Нажмиддин Аҳмад бин Умар Хийвақӣй, имом Фаҳриддин Муҳаммад бин Умар Розӣй каби қатор машҳур уламолар боисидан Урганч илм ва маърифат ўчоғи бўлиб қолди.<sup>1</sup>

Хоразм мамлакатининг маликаси Туркон хотун ва унинг қўл остидағи одамларни билан бошқа амир ва лашкарбошилар ўртасидағи низолар душманга жуда қўл келар эди.

Хоразмшоҳдан кейин Туркон хотун ҳам хазиналарини йиғиштириб, шаҳардан чиқиб кетди.

Жалолиддин Мангуберди отасини дафн қилгач, Хазор (Каспий) денгизи йўли билан Хоразмга етиб келди ва шаҳардағи ихтилофларни тинчитиб, ўзини Хоразм валиаҳди деб эълон қилди. Аммо амирлар унга қаршилиқ кўрсатдилар. Бундай вазиятда Урганч мудофаасини душманга қарши ташкил этиб бўлмаслигига ишонч ҳосил қилган Жалолиддин ўзининг вафодор йиғитлари билан Хуросон томон йўл олди.<sup>2</sup>

Чигатой билан Ўқтой Урганчни қамалга олган эдилар. Жўжи ҳам лашкарлари билан етиб келди. Мўғуллар шаҳар аҳолисини таслим бўлиб, омонда қолишларини талаб қилдилар. Аммо аҳоли уларнинг ваъдасига қулоқ солмади. Оқибат, мўғуллар ҳашар деб олиб келинган асирларни ўн кун ичида шаҳар атрофига қазилган, сув билан тўлдирилган ҳандақларни тупроқ билан тўлдириш ва шаҳар деворларини бузишга буюрдилар. Бундай даҳшатли ҳолни кўрган шаҳар ҳокими Хумортакин кўрқиб, мўғулларга шаҳар дарвозасини очиб берди ва ўзи таслим бўлди. Аммо, мана шундай аҳволда ҳам, қаҳрамон,

---

<sup>1</sup> Хоразмнинг номдор фақиҳ ва олимларидан эди. У Хоразмнинг беш мадрасасида дарс берар эди. Шайх Нажмиддиннинг ўзи тўплаган катта кутубхонаси бор эди.

<sup>2</sup> Саид Мубошир Косонӣй. «Ўрта Осиё тарихи».



фидойи халқ мўғулларнинг итоатига кирмади. Мусулмонлар ўзларининг ор-номусларини сақлаш йўлида мўғулларга қарши мардоналик билан курашдилар. Яхши қуролланган мўғуллар кўп талофат билан шаҳарнинг уч маҳалласидан бошқа жойларини қўлга киритиб, бу жойларни ер билан яксон қилишди. Қаҳрамон аҳоли эса ана шу уч маҳаллага кириб жойлашди. Шундан кейин шаҳар мухтасиби Одийиддин Ҳаётий Жўжи қароргоҳига бориб, қолган аҳоли учун омонлик тилайди. Лекин талаб қабул қилинмайди. Шундан кейин мўғуллар аҳоли устига ҳужум қилиб, чарчаган аҳолини саҳрога суриб чиқарадилар. Аҳоли орасидан ҳунармандлар, ишчиларни ажратиб олиб, қолганларини турли қийноқлар билан қириб, қатли ом қилганларини муаррихлар ёзадилар.

Урганч шаҳри вайронага айланиб қолган бўлса ҳам қаҳрамон аҳолисининг золим босқинчиларга қарши олиб борган мардона курашлари тарихда дoston бўлиб қолди.

Урганч қамали 618 ҳижрий йилнинг сафар ойида тўрт кун давом этди. Бу фожидада қатл қилинганлар сони шунчалик кўп эдики, ҳатто муаррихлар уни ёзилишига тўхталиб қолдилар.

Урганч мудофаасида фаол қатнашганлардан бири машҳур олиймақом мусулмонлардан сўфий шайх Нажмиддин Кубро эдилар. Шайх халқ муршиди ва мутасаввифлар раҳбари бўлиб, у зотнинг обрўси халқ орасида Хоразмшоҳлардан ҳам баланд эди. Мўғуллар ҳужуми Урганчга яқинлашгач, шайх ўзига қарашли олтмиш сўфий шогирдини олиб, жамиятга бош бўлиб, жангга киришдилар. Бошқа шаҳарлардан келган шогирдларини эса тездан ўз шаҳарларига чиқиб кетишга буюрдилар. Шайх Нажмиддин Кубро душман билан охиригача олишиб, шаҳиди аъло бўлдилар. Шайхнинг ислом йўлидаги фидокорлиги бошқа жаҳон руҳонийларига ибрат бўлди. Бу воқеани эшитган бошқа юртлардаги мусулмонлар душманга қарши жиҳодга кўзгалдилар.

Мўғуллар истилосидан кейин Ўрта Осиёда ғамгин

ва ҳазин хонишлар ривожланиб, халқ ўз руҳиятини мана шундай маҳзун куй-мақомлар билан таскинлар эди. Шашмақом оҳангини эшитган киши эътибор берса, ўша давр халқининг қанчалик эзилганлигини билиб олиши мумкин бўлади.<sup>1</sup>

Муаррихларнинг ёзишларича, Хоразмшоҳ ва амирлари оиласидан бўлмиш маликалар ва қизларнинг аксариятини мўғул хонлари ва амалдорлари ўз никоҳларига олиб, умрларининг охиригача улар билан ҳаёт кечирадилар. Шунини ҳам таъкидлаш жоизки, ғайридин бўлган мўғуллар мусулмонлар устидан жисмонан ғолиб бўлсалар-да, улар орасида, хусусан Чингизхон ва унинг фарзандлари ҳам, мусулмон динига эътиқод қилувчилар сони ортиб бориб, аввалда махфий, кейин ошкора ҳолда ислом динини қабул қилишар эди.

## **ЧИНГИЗХОННИНГ ХОРАЗМШОҲ ЎҒЛИ СУЛТОН ЖАЛОЛИДДИН БИЛАН КУРАШИ**

Юқорида Султон Жалолiddин Урганчдан ўзининг фидойи йигитлари билан чиқиб кетганлигини айтган эдик. Жалолiddин чўл, саҳро йўлларида пайт пойлаб, мўғулларнинг етти юз кишилиқ қўшинига ҳужум қилди. Бу урушдан қўлга киритган ўлжалар билан Жалолiddин бир оз ўзини тиклаб олиб, тезликда Нишопур томон жўнади.

Ушбу воқеа мусулмонларнинг биринчи бўлиб душман устидан қилган ютуқ-ғалабалари эди.<sup>2</sup>

Султон Жалолiddин Хуросонда кифоят қилгудек аскар тўплай олмади, шунинг учун куч тўплаш тараддудида қатор шаҳарларга мурожаат қила бошлади. Чингизхон эса Нахшаб ва Термиз шаҳарларини ишғол қилгач, юз минг аскар ва ҳашарчилардан иборат бўлган катта қўшини билан Амударёдан ўтиб, Балхга қараб юрди. Чунки Жалолiddиннинг Хуросонга келиши Чингизхонни нотинч қилган эди.

---

<sup>1</sup> Саид Мубошшр Косоний. «Ўрта Осиё тарихи».

<sup>2</sup> Боргулид – Мўғуллар исгилосигача Туркистон.

## БАЛХ ФОЖИАСИ

1221 милодий йил баҳор чоғида Чингизхон Балхга етмасдан қўшинларининг бир қисмини Тохиристонга юборди. Қирқ беш минг кишилик қўшинни Балх музофотидаги қишлоқларга жўнатди. Унинг мақсади минтақаларни одамлардан бўшатиб, озуқа, ҳайвонлар, хашакларни эгаллаб, шаҳарга келадиган ёрдамнинг йўлини тўсиш эди. Бу даврда Балх шаҳри Ҳиндистон ва Марказий Осиё йўли устида жойлашганлиги учун тижорат ва карвон маркази бўлиб, анча тараққий этган эди. Балх шаҳрини ўраган қалъа деворининг узунлиги ўн икки фарсаҳ (8 км) бўлиб, сернуфуз, обод эди. Чингизхоннинг шаҳарга юришини билган шаҳар оқсоқоллари, ҳоким лашкарбошилари ва уламолар маслаҳатлашиб, шу фикрга келдилар: бундай раҳмсиз, қонхўр душман қатор шаҳарлар бошига даҳшатли мусибатларни солди. Энди нажот топиш умиди бўлса, фақат душманга таслим бўлиш йўли билангина муяссар бўлиш мумкин.

Шундан кейин Балх катталари ҳисобсиз совғалар билан Чингизхон талабларини қабул қилиб, Балх аҳолисини омонда қолдириш ваъдасини олдилар. Мўғуллар шаҳарга кириб, ҳамма бойликларини эгалладилар. Сўнгра эса аҳдларига вафосизлик қилиб, шаҳар аҳолисини саҳрога ҳайдаб олиб чиқиб, оч ва сувсиз ҳолда сақлаб, кейин ҳаммани қириб юбордилар. Шаҳар деворларидан бошлаб масжид-мадраса, қаср ва уйларни бузиш буюрилди. Натижада, Балх ўрнида катта тупроқ тепалик пайдо бўлди. Бу воқеадан эллик йил кейин араб сайёҳи ибн Батута Балх шаҳри вайроналарини кўрганлигини ёзади.

## МАРВ ВОҚЕАСИ

(1221 мил., 618 ҳиж. й.)

Марв шаҳри Шоҳжаҳон ва Санжар Салжуқийнинг пойтахти бўлган эди. Унинг замонасида Хуросоннинг бой ва обод дорулмулки бўлиб, тарифдан зиёда эди. Бу ерлик деҳқонларнинг бойликлари бошқа жойдаги амир-

ларнинг бойликларидан зиёда бўлганлиги манбаларда баён қилинган. Ўша даврда Марвдан мислсиз уламо-лар чиққан. Жумладан, Имом Аҳмад бин Ханбал Суфён бин Саҳдус Саврий, Исҳоқ бин Роҳия Абдуллоҳ бин Муборак ва бошқалар. Марвда ўнта катта кутубхона бўлганлиги, уларнинг номлари ва ҳар кутубхонадаги китоблар сонини кўрсатиб: «Ўз китобимдаги маълумотларни мана шу китоблардан тўпладим», – деб ёзади муаррих Ёқути Хамавий.

Тули бошчилигидаги мўғуллар қўшини 1221 милодий, 618 ҳижрий йил муҳаррам ойида Марвга етиб келиб, шаҳарни қамалга олди. Қамал беш кун чўзилиб, Марвликлар бу кунларда душманга ҳужум қилдилар. Натижа бўлмагач, бешинчи куни шаҳар ҳокими Мажарулмалик таслим бўлишдан бошқа илож топа олмади. Мажарулмалик аҳолининг омонлигини тилаб, Чингизхон ўғли Тулининг олдига ўзи борди. Маккор Тули ҳокимнинг ҳурматини жойига қўйиб, ундан ўз кишилари рўйхатини беришни сўради. Тули амалдорлар рўйхатини олгач, уларни ўз ҳузурига таклиф қилди ва ҳибсга олди. Мўғуллар аҳолини шаҳардан тўрт кеча-кундузда суриб чиқардилар ва уларни ўлдириш саҳнаси бошланди. Тамомни саҳрода инсонлар ўлиги тоғ-тоғ бўлиб қолди. Баъзилар шаҳид бўлганлар сони етти юз минг деб ёзадилар.

Шаҳар талон-тарож қилинди. Марҳум Султон Санжар қабри ва бошқа қабрларни бойликлар бўлса керак деган умидда буздилар. Кейин шаҳарга ўт қўйиб, ёндириб юбордилар.<sup>1</sup>

Тули Марвни ишғол қилгач, Нишопурга келди. 618 ҳижрий йил сафар ойида шаҳарга бостириб кирдилар. Шаҳар ҳокимини ўлдириб, аҳолини саҳрога чиқариб, қатл қилдилар, сўнг шаҳарга етти кеча-кундуз сув қўйиб, шудгорлаб, арпа сепдилар. Нишопурдан келган мўғуллар Ҳиротга қараб юрдилар.

---

<sup>1</sup> Марв шаҳри XV асрда Шохруҳхон Қўраганий даврида қайтадан тикланади, аммо аввалги ҳолатига қайтмади. Ҳозир бу шаҳар Туркманистонда.

## ҲИРОТ ФОЖИАСИ (1221мил., 618 ҳиж. ӯ.)

Мўғуллар қўшини Ҳиротга етиб келгач, қўшин бошлиғи Тули ўз кишиларини Ҳиротга юбориб, шаҳар ҳокими, қозиси, ҳатиб ва оқсоқолларнинг унинг истықболига чиқаришларини талаб қилди. Шу вақтда Ҳирот ҳокими Малик Шамсиддин Жузжоний эди. У мўғулларга бўйин эгишни ўзига ор билиб, Тули элчисини ўлдириб, Ҳирот ҳимоясига бел боғлади. Икки томон урушга кирдилар. Етти кун мобайнида мўғуллардан кўплари ҳалок бўлди. Саккизинчи куни Малик Шамсиддинга ўқ тегиб, шаҳид бўлди. Шундай нозик чоғда бошлиқнинг ҳалокати аҳолига ёмон таъсир қилди. Оқибат, шаҳар зодагонлари ва уламолари Тули олдинга бориб, шаҳарни топширдилар. Тули келган кишиларга шафқат қилди, лекин Шамсиддин кишиларидан 12000 нафарини қатл қилди.

Муаррихлардан бири Ҳирот шаҳри аҳолисига келган фожиани бундай таърифлайди: «Ҳар ҳолда Ҳирот фатҳи Тули томонидан мусолаҳага (сулҳ) ўхшар эди. Чунки бу шаҳарнинг ёқимли об-ҳавоси, гўзал қасрлари ва қимматбаҳо зарлик тўнлари унинг муҳаббатини ўзига қўзғатар эди.

Шу чоғда Чингизхон Гоча Толқон қалъасини қамалгэ олган эди. Тули тезликда отасининг ёрдамига шошрилиб, Ҳиротдан кўп нарсаларни йиғиб, отаси томон жўнади. Шундан кейин Ҳиротликлар қўзғолон кўтариб, мўғуллар қўйган бошлиқларни ўлдириб, Малик Фариддинни ўзларига раис қилиб сайлаб олдилар.

Чингизхон Ҳиротда рўй берган қўзғолон учун ўғлини кўнгли бўшлиқда айблаб, саксон минг аскар ва эллик минг мардикорни Ҳиротга жўнатди. Лашкарбошига шаҳарни вайрон қилиш, аҳолисини эса қириб ташлаш буюрилди. Ҳирот уруши ҳафта ва ойларга чўзилиб кетди. Натижада шаҳарга келадиган озиқ-овқатлар йўли тўсылганлиги сабабли аҳоли ночор аҳволда қолди.

Мўғуллар ҳужумидан шаҳар дарвозалари ари уя бўлиб кетган эди. Натижада қалъа девори ағдарилиб,

унинг тагида қарийб тўрт юз нафар мўғул ҳалок бўлди. Душман мана шу жойдан шаҳарга бостириб кирди. Қаҳрамон Ҳирот аҳолиси маҳаллама-маҳалла, уйма-уй етти кеча-кундуз мардона курашдилар, токи ҳолдан кетиб, душманнинг охириги зарбаларни остида жон бердилар. Мўғуллар, ўз одатларига кўра, қолган аҳолини сахрога ҳайдаб, ўша ерда қатл қилдилар. Шаҳарга эса ўт қўйдилар».

Ҳабибу Ассирий баёнчи, Ҳиротликлар муҳораба ва мудофаада яхши қатнашдилар. Улар олти ой ўн икки кун душман билан курашдилар. Бу воқеа 619 ҳижрий йил жумадул охир ойи содир бўлди.

Кейинчалик маълум бўлишича, ҳиротликлардан ўн олти киши паноҳ топиб, жон сақлаб қолган эканлар.

Ҳирот шаҳри вайронаси Балх шаҳри вайронасидек узоқ вақт қаровсиз қолиб кетмади. Бундан қирқ йил кейин шаҳарни қайта тиклашга Ўқтой амр берди.

Толқон қалъаси қамали узоққа чўзилди. Охири Чингизхон қалъа девори баробарида тупроқ, қум тўлатиб ана шу йўл билан шаҳарнинг ичига кириб бу ерни ҳам вайрон қилди ва аҳолисини қириб ташлади. Лекин мусулмонларнинг қаҳрамонликлари тарих саҳифаларида қолди.

Ҳирот урушида бўлган ажойиботлардан бири қуйидагича баён этилади: «Бир қози Ваҳидуддин Пушнакий сави кийиб, қўлига найза олиб яроқланган ҳолда шаҳар девори устида пастдаги душманга ўқ отар эди. Иттифоқо, унинг оёғи тойганиб, девор устидан пастга думалаб, йигирма газ пастликда бўлган шаҳар хокирезига бориб тушади, яна у жойдан чуқур ҳандаққа томон юмалаб кетади. Ҳандақ чуқурлиги қирқ газ эди. Тули узоқдан бу манзарани кўриб туради. Сўнг одам юбориб, чуқурдан чиқартириб, ўз ёнига келтиради. Тули ундан сўрайди: «Сен одам жинсиданмисан ёки деу пари, фариштамисан? Ёинки улуғ Тангри номида туморинг борми?» — деб сўраганида, — «Сенингдек олижаноб подшоҳнинг саодатли назари менда бўлиши учун нажот топдим», — деб жавоб беради қози. Тули унинг фасоҳат ва балоғатидан ҳамда кўп маълумотли, дониш-

манд, хушсухбат, одобли киши эканлиги учун унга хурмат кўрсатиб, ўз хузурида сақлайди. Кейин отаси Чингизхонга совға қилиб юборади.

## БОМИЁН ФОЖИАСИ

Чингизхон Толқон ва Гарзийвон қалъаларини маҳв қилиб, ўз рақибни Султон Жалолиддин изидан Бомийёнга қараб юрди. Бомийён шаҳри милоднинг I асридан то XIII асргача ҳаёт кечирган. Исломдан олдинги замонда Балх шаҳри Ўрта Осиёнинг катта тижорат маркази бўлиб, Бомийён Балх билан Ҳиндистон ўртасидаги карвонлар йўлида бўлганлиги учун тараққий этган. Бомийён шаҳри ўша замонларда буддизм маркази бўлганлигидан кўпгина будда маъбудалари бу жойда қурилган эди. Ислом фатҳидан кейин мамлакатнинг жануби-шарқида бошқа бир шаҳар қад кўтарди ҳамда «Шаҳри Фалғала» деб ном олди. Лекин бу шаҳар ҳам мўғуллар ҳужумида бошқа шаҳарлар қаторида бузилиб кетди. Шаҳар харобасининг қолдиқлари ҳозирги давримизгача ёдгорлик бўлиб етиб келган. Тоғ бағрига ўйилган икки будда санам дунёда ягона бўлиб, улар ҳам сақланиб қолган. Уларнинг бўйи 53 метр дейилган. Чингизхон бу шаҳарга келиб, аҳолини таслим бўлишга чақирди. Аммо Бомийён халқи рад жавобини қилдилар. Икки томондан уруш бошланди. Шу урушда Чингизхоннинг набираси, Чигатойнинг ўғли Мутучин ҳалок бўлди. Чингизхон бунга чидай олмай, бошидан қалқонини ечиб, аскарлар олдига тушиб, ўзи жанг қила бошлади. Буни кўрган мўғуллар янада ғайрат билан жангга киришдилар.

Мўғуллар бомийёшликлар отган ўқлардан ўлган шерикларининг мурдаларини босиб, олдинга юриб, шаҳар дарвозасига етдилар. Улар катта талофат кўрсалар ҳам дарвоза ва деворларга тирмашиб, шаҳар ичига кириб олдилар ва чарчаган халқнинг устидан ғалаба қилиб, шаҳарни эгаллашга муваффақ бўлдилар. Жаҳон тарихида кўрилмаган даҳшатли фожеалар мана шу шаҳар аҳолиси бошига тушган эди. Инсон зоти қолмагач, ҳай-

войлар, ҳатто ит, мушукларни ҳам ўлдирдилар. Мўғуллар Чингизхоннинг «Бундан кейин бу жойда ҳеч бир жонлиқ бўлгудек нарса қолмасун!» деган фармонига амал қилишди.

Чингизхон шундан кейин Ғазнага юрди.

## ПЕРУВОН УРУШИ

Султон Жалолоддин Хоразмшоҳ кўшинининг керакли лавозимотларини тайинлагандан сўнг ўзининг муҳталиф қавмларидан ташкил топган (турк, афғон, гур, ҳалаж, қорликлар) кўшинлари билан Перувонга келиб, бу жойда ўзига ўрда қурди. У Тоҳиристондаги Бомиён қалъаси мўғуллар томонидан қамалда бўлганидан хабардор бўлгач, тезда уларнинг устига ҳужум қилди ва мўғуллардан қарийб икки минг кишини ўлдириди, қолганлари эса қочиб қутилди. Бу воқеани Чингизхонга етказдилар.

Султон Жалолоддин эришган ушбу ғалабанинг овозаси Тоҳиристондаги Валжни қамал қилиб турган мўғулларга етгач, улар бу жойни ташлаб қочдилар. Жалолоддин Перувонга қайтиб келди.

Чингизхон Жалолоддиннинг дафъи учун қирқ беш минг кишилиқ лашкар билан Перувонга жўнади. Кўшинлар Перувондан бир фарсаҳ нарида бир-бирлари билан учрашдилар. Султон Жалолоддин кўшиннинг ўнг қанотига Амин Маликни ва чап қанотига Малик Сайфиддин Ағроқни кўйиб, ўзи кўшиннинг ўртасида борди. Султон отлиқ аскарларга пиёда бўлиб, отни етаклаган ҳолда душман билан уруш қилишни буюрди. Чунки мўғуллар урушга от устида туриб тайёргарлик кўрган эдилар. Жанг икки томондан шиддат билан икки кун давом этди. Биринчи кунда ҳеч натижа бўлмади. Аммо иккинчи кун Султон Жалолоддиннинг кўп шисжоати ва душманга кўрсатган тадбири мўғулларнинг қилган найрангини пучга чиқариб, уларнинг кўпини ўлдириб, қолганларини қочишга мажбур қилди. Му-сулмонларнинг ғалабалари Хуросоннинг ҳамма шаҳар ва қишлоқларига ёйилди. Мўғуллар таназзул ва ва-



ҳимага учрадилар. Ваҳоланки, бу чоғда Чингизхон Бомиинда шаҳар мудофаачилари билан урушмоқда эди.

Перувон уруши Хуросон минтақасини мўғуллардан тозалаб, ёруғликка олиб чиқиш имкониятини берган эди. Аммо бечора аҳолининг умидлари саркардаларнинг ғараз ва рақобатлари остида чипакка чиқди. Амин Малик билан Малик Сайфиддин Ағроқ — бу икки амир ғанимлар устида бир-бирлари билан жанжаллашдилар. Жанжалга ўлжалар ичидаги бир от сабаб бўлди. Шу баҳона Амин Малик қамчи билан Малик Сайфиддиннинг бошига туширди. Малик Сайфиддин Султон Жалолиддиннинг қариндоши бўлган. Жалолиддин довюрак, серғайрат қўмондон бўлгани билан бу можарога бепарво бўлганлигини муаррихлар ёзишган. Натижада, Малик Сайфиддин ўз қўли остидаги қирқ минг аскарни ажратиб, Пешаворга жунайди. Унинг кетидан яна бир амир ўз одамлари билан кетади. Султон эса бу ички нифоқни ўртадан кўтаришга эришолмади. Шу чоғда Чингизхон Бомиин шаҳрини вайрон қилиб, Ғазнага томон келишининг хабари келди.

## САНД УРУШИ

Ўша даврдаги баъзи амир ва саркардаларнинг ўзаро шахсий адоватлари, аъмол ва афъоллари салбий оқибатларга олиб келди. Чунки улар олдида Ватанни сақлаш, ўз халқига хизмат қилиш ўзларининг шахсий манфатларидан кейинги ўринда турар эди. Вафосиз амиру уламоларин фаолиятлари табиийки, Султон Жалолиддиннинг Ватан учун олиб бораётган фидойи жиддиятига салбий таъсирини ўтказди. Султон мўғул қўшинларининг қалбига ҳужум қилиб, уларни ёриб чиққан бўлса ҳам, мўғуллар султоннинг Амин Малик бошчилигидаги ўнг қўл қўшинларини мағлубиятга учратдилар.

Султон Жалолиддин 700 одами билан бир қанча вақт уришди. Охирида курашни давом эттиришга кўзи етмади. Аскарлари ҳам жуда ҳолдан тойган эди. Шундай бўлса ҳам, Султон душманга охириги кучи билан

ҳамла қилиб, уларни чекингириб, ўзи ва ўзига қарашли одамлар билан бирга Санд дарёсига сакрадилар. Жалолиддиннинг оила аъзолари дарёда ғарқ бўлиб кетишди. Лекин Султон Чингизхондан нажот топиб, Ҳинд тупроғига чиқади. Чингизхон эса қандай қилиб бўлса ҳам Жалолиддинни тириклигича ушлаб келтиришни ўз одамларига таъкидлаган эди. Шунинг учун мўғуллар унга ўқ узмасдан анча уриндилар, лекин уни ушлашга муваффақ бўлмадилар.

## **ЧИНГИЗХОННИНГ ҚАЙТИШИ ВА ВАФОТИ**

Султон Жалолиддин Ҳинд тупроғига ўтиб кетгандан кейин Чингизхон Султоннинг қолган аскарларини, эркаклар ва болаларни ўлдириб, хотин-қизларни асир олиб, Мўғулистонга юборди. Дарёга ғаввослар қўйиб, Султоннинг чўктирилган хазина ва ашёларини чиқариб олди. Бу воқеа 1221 милодий йил ноябрда бўлди.

Чингизхон ўғли Ўқтойни Фазнага юбориб, аҳолини қатл қилиш ва шаҳарни вайрон қилиш вазифасини буюрган эди. Иккинчи ўғли Чигатойни Санд, Мекрон, Зобилистонга юбориб, унга ҳам шундай топшириқ берди. Чингизхоннинг ўзи узоқ жанглар туфайли чарчаган эди. Ёши ҳам бир ерга бориб қолгани туфайли Жалолиддиннинг орқасидан Ҳиндистонга юриш қилишга ҳафсала қилмади. Тарихчиларнинг ҳисобларича, бу чоғда Чингизхон олтмиш саккиз ёшда эди. Шунинг учун жисмида сустлик сезиб, ўз юртига қайтишга муштоқ эди.

1223 милодий йилнинг баҳоринда мўғуллар Сирдарё бўйларида йиғилишиб, қурултой ўтказдилар. Қурултойда Чингизхон ўзи истило қилган мамлакатлари ҳисобкитобини қилиб, ўғилларига маслаҳатлар берди.

Чингизхон 1223 милодий йилнинг куз фаслида Амударёдан ўтиб, Самарқандга келди. У бутун қиш фаслини шу ерда ўтказди.

Чингизхон ўз юртига 1224 милодий йилда қайтиб борди. У етти йиллик узоқ сафардан кейин Мўғулис-

тонга қайтган эди. Чингизхон 1227 миллодий йилнинг август ойида стмиш икки ёшида вафот этди. Унинг вафотидан олти ой муқаддам ўғли Жўжи ҳам Дашти Қипчоқда ўлган эди.<sup>1</sup>

## ЧИНГИЗХОН ТУТГАН СИЁСАТ ВА МЎҒУЛЛАРНИНГ УРФ-ОДАТЛАРИ

Жавзонийнинг ривоят қилишича, Чингизхон Хуросонга келган пайтда баланд бўйли, келишган, соқоли узун, оқ тушган, мушук кўзли, ғоят ҳушёр, кўп оқил, билимдон, мудаббир ва одил киши бўлиб, ўз нафсига қомил эгаллик қила олган ҳамда мушкулот ва тўсқинчиликлар қаршисида чидам ва ажойиб саботлилик кўрсатган, ўз мақсадига эришмагунча тинчимас эди. Унинг ҳайбатидан ҳамма титрар эди. Унинг олдида миллионларча инсонларни қатли ом қилиш ёки бирор катта шаҳарни ер билан яксон қилиб юбориш аҳамиятсиз бир иш эди.

Мўғуллар тоифаси кўринишдан кичик жисмли инсонлар бўлсалар ҳам, от устига минганларида ҳайбатли бир бошқа қиёфада кўринар эдилар. Шундай ҳайбатли мўғул қўшинлари Чингизхон фармониغا бўйин этган ва унинг хавфи бир мўғулларнинг эмас, барчанинг қалбида жойлашган эди, буйруқларини осмоний ҳукм деб қилардилар, унинг сўзига нофармонлик қилиш мўғуллар учун катта гуноҳ ҳисобланар эди.

Чингизхоннинг ҳеч бир динга имон келтирмагани — унинг олдида таъсубдан бир миллатни бошқа миллатдан ортиқ кўришдан ўзини сақлар эди. У ҳар бир тоифанинг уламо ва зоҳидларини эъзозу икром қилар, шу боис ўғиллари ҳам ҳар бир қўлга киритган шоҳлардан бирон олим ва билимли киши топсалар, тезда оталарига совға қилиб юборар эдилар. Унинг даргоҳида чин, уйғур ва мусулмон жамоаларидан мушовир маслаҳатчилари бор эди. Маслаҳатчиларнинг катталари уч

<sup>1</sup> Аббос Иқбол. «Бартолд ва Тарихи мўғул». Бу икки тарихчилар Минхогписрож Жавзжоний ва Жамиутаворих Рашидидан ривоят қилганлар.

киши бўлиб, улар: Маҳмуд Ялавоч – мусулмонлардан, Тотоҷус – уйғурлардан, Ялучут Соё – чинлардан эди. Булар Чингизхоннинг ишончли кишилари бўлиб, хоннинг эътиборида катта ҳурматга эга эдилар.

Чингизхон ижод қилган қонунномаси уйғур тилида ёзилган бўлиб, «Ёсо» деб ном берилган. Бу китоб Чингизхон амри билан мўғуллар қонуни ҳисобланган. Муаррихларнинг ёзишларича, ҳатто темурийлар ҳам ана шу қонуннинг баъзи қисмларидан фойдаланишган.

Чингизхоннинг дастлабки чоғларида ҳамроҳлари мўғуллардан бўлган, аммо урушлар натижасида уларнинг сони камайиб борди. Шунинг учун қўшин сони мағлуб бўлган миллатлардан иборат қароитлар, танқутлар, қипчоқлар, қорлиқлар, уйғурлар ҳисобига ортиб борар эди.

Мўғуллар, одатда, қул хотин олар эдилар. Фарзандлар тартибларидаги тақдим ва тахир ҳаммаси отанинг ихтиёрида бўлгани боис Чингизхоннинг ҳам тўққиз нафар фарзандларидан фақат тўрт ўғли Ясунчин бегидан туғилганликлари учун мамлакатга эга бўлдилар. Булар: Жўжи, Чигатой, Уқтой ва Тули.

Мўғуллар динсизликлари, майда дин вакиллари билан муошарат қилганлари сабабли уларда хурофий ақидалар кўп бўлиб, шайтонлар, сеҳр-жодуларни инсон ҳаётига нуфузли ҳисоблаб, уларга эътиқод қилганлар. Шунинг учун улар сеҳр ва жодудан қўрқар эдилар. Мўғуллар курашга жуда берилган бўлиб, бу соҳада турли томошалар уютиришган ва муҳорабада ҳам усуллар уларга жуда қўл келар эди.

## **МУАРРИХЛАР МЎҒУЛ ИСТИЛОСИ ҲАҚИДА**

Ўрта Осиёнинг муҳим тарихий воқеалари қаторида мўғуллардек ваҳший қавмнинг Шарқдаги обод мусулмон ўлкаларини истило қилишлари туради. Бу истило адабиёт, санъат, маданият ва юрт ободончилиги, халқ саодатига даҳшатли мусибатлар олиб келди.

Мўғуллар оз фурсат ичида ўша асрда Куриядан бошлаб олмон заминларигача мусаллат бўлишлари нати-

жасида бу мамлакатларни бошдан оёқ вайрон, молларини талон-торож қилиб, аҳолисини раҳмсизлик билан қатлиом қилганлар.

Ислом тарихчилари бу фожиаларни, яъни Мовароуннаҳр, Эрон, Ироқ, Шомларга кўрсатилган таъсирни ёзишларида: «Агар ушбу муаррихлар ҳам мўғулларга асир бўлмаган ва ҳодисаларни ўз кўзлари билан кўрмаган чоғда бундай фожиаларга ишониш қийин эди», — деб таърифлайдилар.

Ислом дунёсининг машҳур муаррихи мўғуллар билан ҳамаср бўлган Ибн ал-Асир<sup>1</sup> «Алкомил фи тарих» китобида 617 ҳижрий йил воқеасини ёзишдан олдин дейди: «Неча йил бу ҳодисани ёзишга тўхталган эдим, чунки воқеанинг фожиа бўлганлиги боисидан жирканиб, мутараддуд ҳолида қолган эдим. Қайси инсонки, ислом ва мусулмонларнинг қирилишларини ва уларга бўлган мусибатларни осон деб билса ва унга аҳамият бермаса, эй кошки, онадан туғилмас эдим, бу воқеаларни билмаган бўлур эдим».

Яна мўғулларнинг асири бўлган ва улар билан юзма-юз кўришган Шамсиддин Муҳаммад бин Қайс Зорий ҳам «Алмуҳжам фи маойир ашор Ал муҳжам» китобида даҳшатли воқеаларни зикр қилган.

## ЖАЛОЛИДДИН ХОРАЗМШОҲ ҲИНД ТУПРОФИДА

Жалолоддин кўп қийин аҳволда ўзини мўғул аскарларидан қутқазганидан кейин Санд дарёсига ўзини ташлаб, ҳамроҳлари билан соғ-саломат дарёдан чиқиб олди. Дарёдан бошқалар ҳам ўтиб, ўз султонларига қўшилдилар. Узларини ҳимоя қилгудек бир қўшин тузилди. Шу билан ишлари олдига босиб, Хоразм аскарлари ҳар томондан қочиб, беркиниб ётган жойларидан келишиб, Жалолоддин қўшинларига қўшилар эдилар. Буларнинг овозасини эшитган мўғуллар қўшин тортиб келганларида Султон Жалолоддин улар билан жанг қилмасдан ўзини Ҳинд ичкарасига олди. Султон Жалолоддиннинг

<sup>1</sup> Ибн ал-Асир мўғуллар Шарқ мамлакатларини истило қилган вақтда Мавсил ва Алжазирада яшаган.

куч ва иқтидори Санд аҳолиси ўртасида машҳур бўлди. Санд ҳокими Насириддин Қабоча Жалолиддин ва хотини (Амин Маликнинг қизи) дарёдан нажот топиб, унинг вилоятига келганларини билгач, одам қўшиб Султон хизматига йўллайди. Қабочанинг бу хизматидан Султон хушлик қилиб, ораларида дўстлик риштаси боғланади.

Аммо бу дўстлик узоққа бормади, чунки Султоннинг собиқ вазири Шамсул Малик Шаҳобиддин қочиб келгандан сўнг Носириддин Қабочанинг ёнида эди. Шу одам улар дўстлигига путур етказди ва уларнинг дўстлиги бузилди. Натижада, Султон Жалолиддин Насириддин Қабочанинг шаҳарларини эгаллаб олади.

Шундан сўнг Деҳли султони Шамсуддин 30000 кишилик қўшинни Жалолиддинга қарши юборди. Жалолиддин бу қўшинларни мағлуб этгач, Султон Шамсуддин уэр айтади ва бу икки султон ўртасида дўстлик муносабатлари бошланади. Шу аснода Жалолиддиннинг укаси Фиёсиддин Ироқ ва Кирмонни қўлга киритганлиги ҳақидаги хабар келади. Султон Жалолиддин Ҳиндистонни тарк қилиб, Эрон томонига қараб ўз қўшинлари билан жўнайди.

Султон Жалолиддин Макрон йўлларида юриб, Кирмонга қараб юриш қилади. Йўл машаққати билан бир қисм одамлари ҳалок бўлиб, тўрт минг киши билан Кирмонга саломат кириб боради. Шу вақт Кирмон Бароқ Ҳожиб қўлида бўлиб, у Хоразмшоҳларга муҳиб киши эди. Бароқ Ҳожиб Султон Жалолиддиннинг истиқболига чиқиб, қимматбаҳо совғалар билан кутиб олади. Хоразмшоҳ ўғиллари Рукниддин ва Фиёсиддиннинг атрофларига шоҳнинг тарқалиб кетган лашкаралари келиб қўшилади.

Фиёсиддин дастлаб акасига қарши чиққан бўлса ҳам Жалолиддин унга элчилар юбориб, насиҳат йўли билан ўзига тобе қилди. Натижада, баъзи қўшин бошлиқлари Жалолиддинга мойил бўлиб, ўз қўшинлари билан унга қўшилиб кетдилар.

## СУЛТОН ЖАЛОЛИДДИН МУҲОРАБАЛАРИ

Султон Жалололиддин 621 ҳижрий йилнинг қиш фаслини Хузистонда ўтказди. Шу кунларда мамлакатнинг кўп ботирлари келиб, Султонга қўшиладилар. Жалололиддин Хузистондан халифа Анносир Аббосийга элчи юбориб, мўғулларга қарши курашда ёрдам беришни сўрайди. Аммо халифа рад жавобини қайтариб, мўғулларни эмас, балки ислом қаҳрамони бўлган Султон Жалололиддинни эзиш учун Жамолиддин Қуш темирни йигирма минг қўшин билан унга қарши жўнатади. Арбил ҳокими Музафариддин Кўкбўрини ҳам Султон Жалололиддинга қарши юборади. Султон Жалололиддин бу иккисини тор-мор келтириб, Басрани эгаллайди.

Султон Жалололиддин ўзига муҳолиф бўлган халифани риюя қилиб, унга қарши Боғдодга юрмай, Дауко томонга юриб, бу жойни ишғол этади. Шундан кейин Султон Жалололиддин Озарбайжон томон жўнайди. Бу даврда Озарбайжон минтақаси Отабек Ўзбек бин Отабек Муҳаммад Жаҳон паҳлавон қўлида эди. Султон Жалололиддин шаҳарни етти кеча-кундуз қамалга олгач, шаҳар аҳолиси омонлик сўраб, шаҳарни топширадилар. Султон Жалололиддин фотиҳларча 1225 милодий йилнинг июлида Табризни қўлга олади. У Табриз аҳолисини ҳурмат қилиб, ҳеч қандай зулм қилмайди, балки ҳаммага баробар ўз авфини билдиради.

Султон Жалололиддин Табриз шаҳрининг биноларига ёрдамлашиб, халифа номига жоме масжидларида хутба ўқишга топшириқ беради. Шундан кейин кофир грузиларга қарши жиҳодга бел боғлайди.

## СУЛТОН ЖАЛОЛИДДИННИНГ ГУРЖИСТОНГА ЮРИШИ<sup>1</sup>

Ибн ал-Асирнинг баёнича, гуржилар кўп йиллардан буён қўшни мусулмон вилоятларига тажовуз қилиб, аҳолисини ўлдириб, молларини талон-тороғ қилиб кетар эдилар. Бунинг сабаби ўша давр ҳокимларининг

<sup>1</sup> Ҳозирги Грузия

Ўзаро ноиттифоқликларидан уларда душманга қарши курашиш имкониятининг йўқлиги ва ўз халқини безътибор қолдирганлари эдилар. Хусусан, Озарбайжон ҳокими Отабек Ўзбек ҳамиша нафс ва шаҳватга берилган бўлиб, раиятга бепарво эди. Худованд таоло бу мамлакат аҳолисига тараҳҳум қилиб, Султон Жалолиддин Хоразмшоҳни кофирлардан улар учун ўч олишга ҳидоят этди.

Дастлаб Султон Жалолиддин жиҳод қасдида қози Мужириддин Амир бин Саъд Хоразмийни Рум Султони Аловуддин Кайқубод Салжуқийнинг ёнига элчи қилиб юбориб, ундан кофирларга қарши жиҳод қилишга ёрдам сўради.

Гуржистон шу даврда Русудон (1223-1247 миладий йиллар) деган хотин киши кўлида эди. У ўз кўмондонларидан бирини Арманистоннинг Фурний шаҳрига юборади. Аммо Султон Жалолиддин бу жойда ғолиб чиқади. Гуржийларнинг етмиш минг аскаридан йигирма минги шу жангда ҳалок бўлади. Бу муҳораба гуржиларга катта талофат етказди. Султон Жалолиддин Табризга қайтиб келади.

1226 йил март ойида гуржилар яна куч тўплаб, катта куч билан мусулмонларга ҳужум бошлайдилар. Султон Жалолиддин ўз кўшинларини йигиб, гуржиларга жавобан ҳужум қилиб, уларни раҳмсизлик билан қириб ташлайди. Малика Русудон Тифлисдан чиқиб кетади. Султон Жалолиддин бундай обод, сернуфуз шаҳарни 623 ҳижрий йил 8 роббиул аввал ойида фатҳ қилиб, исломни қабул қилган аҳолидан бошқасини қатли ом қилишга буюради. Муаррихлар Тифлис воқеасини Кофкоздаги насронийлар учун катта мусибат деб ёзадилар. Аммо Кофкоз мусулмонлари тарихгача мусулмонлар бошига кофирлардан етган жабр-зулмнинг кўтарилишидан ниҳоятда хурсанд бўлиб, Аллоҳ таолога шукрлар қилиб, Султон Жалолиддинга ислом фотиҳлари ва ғозилари қаторида «Ислом ҳимоячиси» деган ном берадилар.



## СУЛТОН ЖАЛОЛИДДИН ВА АЮБИЛАР

Шом, Миср, Алжазира мамлакатлари шу пайтда Аюби амирларининг (яъни Султон Салоҳиддин Аюби) қўлларида эди. Улардан Малик Ашраф Музафариддин Мусо (625-635 ҳиж.) Харон ва Раҳода (Европа), биродари Маликулмуаззам Исо (616-624 ҳиж.) Дамашқда, яна бир биродари Алмалики Комил Муҳаммад (615-635) Мисрда ҳукумат тепасида эдилар.

Ислом оламида номини машҳур бўлган Султон Жалолиддиннинг тобора нуфузи ортиб бораётгани атрофидаги султонларни бефарқ қўймас эди. Гарчи улар эътиқод жиҳатидан ислом дини билан боғланишса ҳам салтанатга бўлган эътиқод улар орасига раҳна солишни мумкин эди. Лекин Султон Жалолиддин, бошқалардан фарқли ўлароқ, ислом амирларига ўта хайрхоҳ эди. Жумладан, Маликулмуаззам Исо Султон Жалолиддинга ҳурмат кўрсатиб, ҳамиша Султон совға сифатида юборган кийимларни кийиб ва юборилган отларни миниб, фахрланиб юрар эди.

Шундай бўлса-да, Султон Жалолиддиннинг шу кундаги қудрати Аюбиларни ўзаро нифоқларини четлатиб, бир-бирига нисбатан жипсликка олиб келган эди.

## СУЛТОН ЖАЛОЛИДДИННИНГ МЎҒУЛЛАР БИЛАН ИСФАХОН ЯҚИНИДАГИ УРУШИ

1228 милодий йилнинг октябр ойида мўғуллар катта қўшин билан Ироққа юрганларининг хабари келди. Султон Жалолиддин тез мажлис қуриб, амирлар ва лашкарбошиларни фасоҳат ва балоғат билан уришишга, мудофаага қизиқтириб, душман билан курашда қочмасликлари учун қасамёд қилдириб, аҳд-паймонлашди. Қозин ва раисларни аҳолини тинчлантиришга буюрди. Мунажжимлар маслаҳати билан уч кун тўхтаб, тўртинчи кун уруш майдонига шаҳардан чиқди. Мўғуллар Султон Жалолиддин шаҳардан чиқмагани учун қўрққан гумон қилиб, икки минг кишини отларга хашак йиғиш учун атрофга жўнатдилар. Бу воқеадан хабар топган Султон

Жалолиддин тезда уч минг лашкар билан мўғуллар изидан бориб уларни қириб юборди. Тўрт юз минг кишини асир олиб, шаҳарга келтирди.

625 ҳижрий йил рамазон ойида Султон Жалолиддин мўғуллар билан урушга саф тортади. Қардоши Гиёсиддинга ўнг қанотни топшириб, ўзи сипоҳ аскарнинг ўртасида туради. Ҳали иш бир ёқли бўлмай туриб, Гиёсиддин ва Жаҳон паҳлавон ўз қўшинларини олиб, майдондан қочадилар. Мана шундай қийин аҳволда ҳам Султон Жалолиддин мардоналик билан жойдан қўзғалмай, ўзининг баҳодир қўшинлари билан муҳорабага киришади. Урушнинг шиддатидан икки томондан сипоҳлар интизоми бузилади. Султон қўшинларининг ўнг қаноти душманнинг чап қанотини мағлуб қилиб, Кошонгача қувиб борадилар. Лекин мўғулларнинг ўнг қанотидаги қўшин Султоннинг чап қанотидаги қўшинни тор-мор қилади. Султон Жалолиддин қўшиннинг қалбида жойлашганлиги учун лашкарнинг ҳар икки томонида бўлиб турган воқеадан хабардор бўлиши қийин эди. Маърака майдонида ёлғиз қолган Султон Жалолиддиннинг қўл остидаги сипоҳларга мўғуллар ҳужум бошлайдилар. Сипоҳнинг кўп қисми ҳалок бўлиб, баъзилари эса қочади. Султон Жалолиддиннинг ўнг қўлидаги сипоҳлари мўғулларни Кошонгача қувиб бориб, икки кундан кейин келадилар, аммо улар бу ерда воқеанинг акси бўлганлигини фаҳмлаб, пароканда кетадилар. Мўғуллар ҳам бу муҳорабада қаттиқ талофатга учрагани туфайли тезлик билан Хурсонга қайтиб, ундан Мовароуннаҳрга қайтадилар.

Бу воқеадан саккиз кун кейин — байрам кунида Султон Жалолиддин Исфахонга кириб келади. Исфахон аҳолиси Султон қайтиб келишидан хурсандликларини намоиш қиладилар. Шундан сўнг Султон Жалолиддин урушда яхши мувафаққиятга эришганларга мукофотлар беради, баъзиларни хонлик ва амирлик мансабларига кўтаради. Аммо урушда сустлик қилганларнинг бошига чодир ёпиб, шаҳар айлантиради. Сўнг Султон Жалолиддин яна мўғуллар орқасидан Райга томон жўнади.

Султон Жалолиддин қарийб икки йил Гуржистон ва Арманистон минтақаларида уруш ва тортиш қилиб, ҳеч бир жойда ором олмаган эди. Ҳамиша ҳар томондан унга қаршилиқлар ва ҳужумлар бўлиб, доимо душманлари билан курашда бўлди. Султон Жалолиддин Гуржистоннинг кўп ерларини истило қилгандан кейин Халот шаҳрини қўлга киритиш мақсадида ўн ой қамал қилиб, охири 627 ҳижрий йилнинг 28 жумадул аввалида фатҳ қилади. Халот шаҳрининг қаҳрамон ҳокими Ҳожиб Али бу воқеадан олдин Маликил Ашраф юборган янги ҳоким томонидан қатл қилинган эди. Шу йилда Султон Жалолиддин Алоуддин Кайқубод устига қўшин тортди. Бошида у билан сулҳ тузишни истаган бўлса, аммо энди унинг тилагини рад этиб, қўшинини ҳужумга бошлайди. Икки томон бир-бири билан бир неча бор тўқнашиб, бунда Султон Жалолиддин қўшинларининг қўли паст келади.

Алоуддин Кайқубод Рум шаҳрини қўлга киритиб, Султон Жалолиддинга элчи жўнатади. Мақсади Султон фикридан Рум шаҳарларига яна ҳужум қилиш ниятини чиқариб, ўртада тинчлик ўрнатиш ва ҳар бирининг ўз қўли остидаги жойларда туришини йўлга қўйиш эди. Султон Жалолиддин бошида унинг бу сўзларига кўнмади, лекин мўғуллар келиши хабарини олгач, Алоуддин Кайқубод билан сулҳ тузди.

## СУЛТОН ЖАЛОЛИДДИННИНГ ШАҲИД БЎЛИШИ

Султон Жалолиддин Табризга бориб, қўшинларини шу атрофга жойлаштирди. Қишни шу ерда ўтказиш мақсади бор эди. Аммо узоқ фурсат ўтмай, мўғулларнинг муқаддималари Заржонга етиб келгани хабарини олади. У тезлик билан Рум шоҳи Алоуддин Кайқубод, Маликил Ашраф ва Боғдод халифасидан ёрдам сўрайди. Аммо улар ёрдам бермасдан Султон Жалолиддинни душман қаршисида ёлғиз қўядилар.

Султон Жалолиддин беқибатликни сезгач, қўшинларини тўплаш учун Мукон томонга жўнайди. Аммо

яқинлашиб қолган мўғуллар унга ҳужум қиладилар. Бу ҳужумда кўп сипоҳлар ҳалок бўлиб, Султон Жалолиддин амаллаб жон сақлайди.

Султон Жалолиддин Арс устидан юриб, Мохон (Арумния) даштига келиб, қишни шу ерда ўтказиш тараддудини кўради. Аммо Маликул Ашрафнинг икки укаси Султон қўлида асир бўлиб, улардан бирини халифага, иккинчиси – Мужириддин Яъқубни Маликул Ашраф ёнига юбориб, улардан кофир мўғуллар дафъи учун ёрдам сўрайди ва ўрталаридаги гинанинг кўтарилишини сўрайди. Мужириддин дастлаб Султон Жалолиддиннинг вазири ва хазиначиси бўлган Шарафул Малик ёнига келади, вазирнинг эса ичи кир ва Султон Жалолиддинга махфий қарши эди. Хон вазир Мужириддин билан тил бириктириб, Маликил Ашрафни Султон Жалолиддинга қарши қилиб қўяди. Чунки вазир Шарафул Малик нафс бандаси бўлиб, молу-дунё тўплаш билан овора эди. Султон Жалолиддин вазирнинг хонлигини сезгач, ҳамма амирларини тўплаб, унга итоат қилмасликка буюрган эди.

Султон Жалолиддин Шарафул Маликни ушлаб, ҳибсга солиб, кейин бир баҳона билан ўлдириб юборди. Лекин хон вазир нафс оворасида подшолар, яъни мусулмон султонлар ўртасига адоват солиб, бу билан душман учун қулай вазият яратган эди.

Султон 628 ҳижрий йилнинг қиш фаслини Мохонда ўтказаётган пайтида мўғулларнинг яқинлашганини эшитиб, ночор у ердан кўчиб Ганжга борди. Бу шаҳарда мўғулларга хизмат қилиб, хоразмийларни уларга сотган шахсларни жазолайди. Кейин Шом ва Алжазира подшоларидан мўғулларга қарши курашда ёрдам сўраш учун ўзининг махсус муншиси (котиби) машҳур тарихчи Муҳаммад ибн Аҳмад Насавийни Шаҳобиддин ал-Музаффар (Султон Салоҳиддин Аюбийнинг укаси) ёнига элчи қилиб жўнатди. Аммо Шаҳобиддин ёрдам қилмаслик учун баҳона кўрсатади. Элчи Насавий ҳали қайтмасдан бурун Шаҳобиддинга кабутар воситасида нома кела-

ди. Номада мўғуллар Хилотдан ўтиб, Жалолиддин орқасидан Диёр Бакир томонга бораётганликларин хабар қилинган эди.

Диёр Бакир шимолидан саккиз фасаҳ жойда мўғуллар бехос ҳужум қилиб, Султон Жалолиддиннинг кўп кишисини ўлдирдилар. Аммо яна Султон Жалолиддин жон сақлаб, Миёпоркин атрофидаги тоғлик жойлар орасида яшириниб қолади, лекин тоғ ичидаги курдлар қўлига тушиб, 1231 милодий йил шаввал ойининг ярмида шаҳид бўлади.

Аммо, қарийб ўттиз йилгача, одамлар Султон Жалолиддиннинг ўлганини билмас, балки уни тирик деб ўйлар эдилар. Султон Жалолиддинни мўғуллар ҳам тирик ҳаёл қилиб, қўрқувда юришар эди. Халқ орасида у ҳақида афсонавий ҳикоятлар ҳам ижод қилинган эди. Чунки Туркистон халқи ўзининг қаҳрамони, мўғулларга қарши ислом мужоҳиди бўлган бу паҳлавон йигитнинг ўлишини хоҳламас эди.

## **СУЛТОН ЖАЛОЛИДДИННИНГ ҚИСҚАЧА СИЙРАТИ**

Султон Жалолиддин ўрта бўйли, буғдойранг киши бўлиб, туркча ва форсчада сўзлашар эди. Қиёфаси кўпроқ туркийларга хос эди. Унинг онаси ҳиндий бўлгани учун Туркон хотуннинг унга гинаю адовати бўлиб, валиаҳдликдан узоқлаштиришга сабаб эди.<sup>1</sup>

Султон Жалолиддин кўп оғир ва юмшоқ кўнгилли киши бўлиб, ботирликда тенгсиз, муҳорабаларда чаққонлик билан иш олиб боришликдаги бебаҳолигининг ўхшаши кўрилмагандур. Баъзилар Султон Жалолиддинни жанговар баҳодир, ботир Хоразм шаҳзодаси, аммо сиёсий ҳукмдор эмас эди, деб таърифлайдилар.

Унинг душман билан қилган курашини Ибн Тағрий бундай эслатади: «Бу Хоразмлик қаҳрамон йигит татарлар (мўғуллар)га қарши ўн кеча-кундуз ўз аскарлари билан тинимсиз кураш олиб борди. Уларни отларидан пастга ағдариб, қилич домига олди, ўз ватани-

<sup>1</sup> Саид Мубошир Косоний.

дан ва қавмидан айрилиб, ёт миллатлар орасида кофирлар билан қилган кураши унинг имон ва ғайратидан бўлиб, муслмонларнинг ҳимояси учун жонини тиккан бўлса-ю, лекин атрофидаги муслмон Аюбилар, амирлар, рум Салжуқийлари, айниқса, Боғдод халифаси ёрдам ўрнига одамларини ўлдириб, уни мўғулларга ет қилиб бердилар».

Ибн ал-Асир бундай ёзади: «Султон Жалолиддин Табризга келганида аҳолини олдга келишидан монёлик қилмади, дарвозасини очди».

Султон Жалолиддиннинг махсус муншиси (котиби) Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Али ан-Насавий (тахаллуси Нуриддин) бўлиб, у Насодан 621 йилда шаҳар молиясини Райдан Султон Жалолиддин ҳузурига келтириб, шу тарихдан бошлаб Султон хизматида қолади. Насавий 622 йилда муншилиқ мансабига мойил бўлиб, бу хизматини 628 йилгача давом эттиради. У Султон Жалолиддин томонидан Алмаликулмуаззам ёнига элчи бўлиб боради ва кўп мусибатларга мубтало бўлиб, 629 йилда Маёфоринда қолади. Шу жойда Султон Жалолиддиннинг фатл бўлганини эшитгач, ўзининг ва Мангубердининг ҳолларини баён қилиб, жигарсўз бир марсия билан воқеани тамсил этади. Унинг номи «Нафсатул масдур» бўлиб, уни 639 йилда араб тилида ёзган. Бу китоб шу даврнинг мўғтабар ва қимматли асарларидан бўлиб, фарансия таржимаси билан икки мужаллатда таъби бўлгандур.<sup>1</sup>

## ЧИНГИЗХОН ВОРИСЛАРИ

Шимолий Хитой, қораитлар, найманлар, уйғурлар, танкутлар, қорахитойлар ва Хоразмшоҳлар давлатининг таркибига кирувчи мамлакатлар Чингизхоннинг ҳаётида қуйидагича тақсимланган эди:

1. Шимолий Хитой Чингизхон укаси Ўтчи Нуёнга берилган эди.

2. Қаболиғ, Шарқий Туркистондан бошлаб охири Булғоргача ўели Жўжигга берилди. Бу мамлакатлар Сирдарё (Сайхун)нинг юқори қисмлари, Хоразм ерлари,

<sup>1</sup> Аббос Иқбол «Тарихи Мўғул». Байрут.

Қипчоқ дашти, қумон тоифаларининг ерлари, Жанубий Русия, Булғор, Бошқирд, Қирғизлар ерлари бўлган Фарбий Сибирия эди.

3. Ўтмишдаги қорахитойлар ва Мовароуннаҳр мамлакатлари чегаралари, бир томондан уйғур қавмининг ерлари, Қашғар, Ёрканд, Хутан, Фарғона, Чоч, Ўтрор, Бунокат, Самарқанд, Бухоро, Бадахшон, Балхон, Бомийён, Қундуз (бу жойлар бугунги кунда Шарқий Туркистон, Фарбий Туркистон ва Афғоний Туркистон) иккинчи ўғил Чигатойга берилди.

4. Чингизхоннинг асли юрти Карвалан, Анан, Архун дарёларининг қирғоқлари, Қора Қирим тоғларининг этаклари энг ёш ўғли Тулига берилди. Тули икки йил (624-626 ҳиж.) Чингизхон ўрнига хон тайинлангунга қадар ҳукуматни бошқарди.

5. Ўқтойга теккан жой оға-иниларниқидан оз мухтасар эди. Унинг улуши Бор Боғотой тоғларининг тевараклари, Олақул атрофлари, Эмил дарёсининг мана шу дарёга қуйиладиган жойлари бўлиб, бу жойлар Мўғулистон эди.

Чингизхон вафотидан икки йил кейин Қарулон дарёсининг қирғоғида катта бир қурултой эълон этилди ва унда мўғуллар, Чингизхон васиятига биноан, Ўқтойни ўзларига хон деб сайладилар ва тахтга ўтқаздилар.

Мана шу қурултой жараёнида ҳамма мўғул бошлиқлари Чингизхон ҳаётида қўлга киритмаган ва очилмаган жойларни истило қилиш учун икки катта қўшин жўнатишга қарор қилдилар. Бу қўшиннинг бир қисми Шимолий Син (Хитой)га, иккинчиси эса Эронга юборилган. Юз минг кишидан иборат қўшин билан Жермогун Нуён Жалолиддин орқасидан Ироқ ҳудуди-га келади.

Султон Жалолиддин вафотидан кейин мўғул лашкарлари уч қисмга бўлиниб, бир қисми Диёр Бакир, Арзун, Рум, Маёфарқин, Мордин, Насибин, Мусил ва Фирот дарёсининг қирғоқларигача истило қиладилар.

Мўғулларнинг яна бир қисми Батлис томонига юриб, шаҳарни истило қилиб, ўт қўядилар.

Буларнинг учинчи қисми 628 ҳижрий йилда Му-

роғани истило қилади. Озарбайжонда мўғулларнинг қилган қатл ва ғайратлари аҳоли ичига шундай даҳшат солган эдики, ҳеч кимнинг уларга қарши курашиш у ёқда турсин, номларини эшитишга ҳам тоқатлари қолмаган эди.

Мўғуллар ислом диёрларини истило қилиб, шаҳарларни ваёрон қилган чоғларида Алжазира, Шом, Миср султонлари бир-бирлари билан нифоқ, адоват, ўзаро урушдан бошқа ҳеч бир нарсага қизиқмас эдилар. Шу чоғда Боғдоддаги Аббосийлар халифаси ҳам қўл остидаги султонларнинг жанжалларини тинчитиш учун бирор чора-тадбир кўрмай, балки томоша қилиб туради.

634 ҳижрий йилда мўғуллар Боғдод томонига юрдилар, шунда халифа мусулмонларни жиҳодга чақиради. Бунда мусулмонлар ғолиб бўладилар.

640 ҳижрийда мўғуллар Арманистон, Гуржистон, Рум, Салжуқийлар мамлакатлари ерларини Мўғул империясига қўшдилар. 635-639 ҳижрий йилларда Хитой, Русия, Можористон томон юрдилар. Мўғул императорлиги Чин ва Қурнидан бошлаб то Можаристонгача бўлган кенг бир давлатни ташкил этди. Улар Русияни ишғол қилгач, 639 ҳижрий йилда Полша ва Олмонияни олиб турган пайтларида мўғуллар хони Ўқтойнинг ўлганлиги хабари келади. Фарбий Европа мамлакатлари мўғуллар ҳужумидан сақланиб қолдилар.

## **МАСИҲИЙЛАРНИНГ МУСУЛМОНЛАРГА ТАЗЙИҚИ**

639 ҳижрий йилда мўғуллар султони Ўқтой вафотидан кейин мўғул шаҳзодалари орасида ўзаро низолар бошланиб кетди. Натижада, тўрт йилгача султон сайланмади.

644 ҳижрий, 1246 милодий йили Мўғулистоннинг гарбий томонларидаги кўллар қирғоғида сайлов учун қурултой ташкил этилди. Ботухон оёқ оғриғи баҳонаси билан сайловга қатнаша олмади. Чигатой, Жўжи, Тули



авлодлари келдилар. Мовароуннаҳр ҳукмдори Амир Маъсудбек, Хуросон ҳокими, Ироқ, Форс, Кирмон, Озарбайжон, Туркистон, Халаб, Хитой ҳукмдорлари ҳам келдилар. Ҳатто Аббосий халифалардан ҳам бакил қатнашди.

Қурултойда хон этиб Ўқтойнинг учинчи ўғли Қуюқхон сайланди. Қуюқхонни кўпроқ Чингизхонга ўхшатар эдилар. Чунки у бобоси каби талончи ва истилочиликка мойил эди. Қуюқ қисқа муддат сурган ҳукмдорлиги бутунлай исломга душманликда ўтди. Унинг онаси Туркино хотун масиҳий динида бўлганлиги учун Қуюқни масиҳийлар тарбиясига топширган эди. Айниқса, масиҳий мушовири Қаддоқ ва вазири Чинқойнинг таъсирида қолган Қуюқ масиҳийларни бошқа дин вакилларидан зиёда ва устун кўрар эди. Сурия, Юнонистон, Русиядан келган масиҳийлар ораларида ҳокимлар, коҳиблар жуда кўп бўлиб, Қуюқ Чинқойга бутун ишлар идорарасини топшириб қўйган эди. Буларнинг ҳимояси остида масиҳийларга мавқе юқори бўлиб, мусулмонларга нисбатан душманлик ва адоват бошланган эди.

Бартолд ўз китобида Қуюқнинг мусулмонлар билан бўлган душманликларини баён қилади: «Чинда ва Туркистонда машҳур бўлган Туюн (будист роҳиб)нинг тавсияси билан Қуюқ бутун мусулмонларни ҳалок этишларига доир бир фармон чиқартирди. Фармонни олган Туюн ваҳший бир ит томонидан парча-парча этилди. Бу Аллоҳ таолонинг аъзоси Қуюқ фармонини ботил қилишга мажбур этди».<sup>1</sup>

Қуюқ воқеасида бундай ёзилади:

«Масиҳийлар Қуюқдан мусулмонларнинг машҳур олими Имом Нуриддин Хоразмийни мунозарада беобр қилиш мақсадида келтиришни сўрайдилар. Мунозара Қуюқнинг ҳузурда бошланади. Масиҳийлар жаноб Пайғамбар (с.а.в.) га оид савол сўрайдилар, имомдан жавобларини олгандан кейин Қуюқ мунозарани тўхтатиб, имомдан одоб қоидалари билан намоз ўқиш-

<sup>1</sup> Бартольд. «Мўғул истилосига Туркистон». Истамбул.

ни талаб қилади. Имом мусулмонлар ёнига бориб, намозни бошлайди. Шу пайт масиҳийлар андоғ шаклда монелик кўрсатадиларки, саждага борган чоғда уларни қалтаклаб, пешоналарини босиб, ерга шиддат билан урадилар. Имом бундай азиятларга чидаб, намозни бузмайди. Намозни тамомлагандан кейин сукут ҳолида чиқиб кетадилар. Шу воқеанинг эртаси куни Султон Қуюқ тўсатдан ўлади. Қуюқнинг ўғиллари муборак имомдан ҳақорат ўтгани учун отаси номидан уэр сўрайдилар».

Бартолд яна бир уламо Имом Баҳоуддин ҳаётини бундай ёзади:

«Қуюқхон замонасида Чигатой улусининг подшоши Қорахулоқу (Чигатойнинг набираси)ни тахтдан туширади, чунки, унинг иддаосича, Чигатой ўғли мавжуд бўлган чоғда набираларининг тахтда ўтиришини истамасди. Мовароуннаҳр тахтига Қуюқ ўзининг самимий дўсти, Чигатой ўғли Ясумангуни ўтқизди. Ясумангу имом Баҳоуддинга вазирлик мансабини берди. Имом Баҳоуддиннинг бобоси Фарғона шайхул исломни бўлиб, унинг мақоми оиласига мерос ҳолда кенгаймоқда эди.

Имом Баҳоуддин Марғилоний ёшлик чоғларида оталари Бухорода вафот этган эди. Унинг замондоши машҳур муаррих Атолмалик Жуйний уни таърифлаб, диний ва дунёвий илмлар билан тўла бир комил инсон бўлганлигини баён этади. У дейди:

«Имом Баҳоуддин манзили машҳур уламолар тўпланадиган марказ бўлиб, унинг замонасида илмларнинг янгидан олиниши, эътиборнинг, олдинги аҳамиятининг қайтадан майдонга чиққанлигини сўзлайди.

Мўғуллар қондасига кўра, улар ўз туғишган синглисига уйланиши мумкин эди. Уларнинг урфий қоидаларига муҳолиф чиққан имом Баҳоуддин Марғилонийни мўғул зодагонлари 649 ҳижрий йили 26 март (1251 милодий йил)да бир кигизга ўраб, жони чиқиб, суякларини майдалангунча тепиб ўлдирдилар».<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Бартольд. «Мўғул истилосигача Туркистон». Истамбул.

## ИСЛОМ ОЛАМИНИНГ ФОЖИАСИ

Султон Куюқхондан сўнг хонликка Мангухон (1250-1257 милодий йиллар) ўтирган. Мангухон даврида Мўғулистонда унинг укаси Ариқ Бука носиб эди. Мангу ўздан кейин укаси Ариқ Букани ўз ўрнига қўймоқчи эди, аммо бу режа амалга ошмади. Чунки Кублой Чин мураббийлари қўлида тарбияланган бўлиб, уни Чин қўшинлари қўллар эди. Шу билан Кублойхон қадимий Пекин шаҳрини ўзига марказ қилиб, номини «Хон балиқ» қўйди. Кублой мухолифларини ўртадан кўтаргандан кейин йиғирма йил жанубий Чин минтақаларида уруш олиб борди. Ундан кейин Ҳинд, Чин, Жово ва Жапонга қўшин тортди. Халоқулихон оғайниси Кублой билан яхши муносабатда эди. Кублой Ироқ ва Боғдод истилоси учун Халоқуга катта ёрдам юборди.


Мўғуллар 656 ҳижрий йили муҳаррам ойининг пайшанба кuni (1258 милодий йилда) ислом динининг маркази дорул Хилофа Боғдоднинг ҳамма атрофини ўраб олдилар. Мўғуллар Жиболи Хумрин тоғидан тошлар келтириб, шаҳарни тошбўрон қиладилар. Боғдод қамали ўн кун давом этди. Душман шаҳарни бир бошдан буза бошлади. Халифа бир неча бор Халоқулига элчи юборди. Аммо бу чоғда бетадбир халифанинг истидоси инобатга олинмади. Халоқу Мустаъсимнинг элчилари Хожа Насриддин Тусий Сулаймоншоҳ ва бошқаларнинг бошларини бир бошдан кесади. Халифа Мустаъсим мўғуллар билан иложи борича тил топиш мақсадида ўзи билан уч ўғли ҳамда уч минг кишидан иборат қозилар, ақрабийлар, аъёнларини олиб, Боғдод шаҳридан чиқади ва Халоқу зоҳирида у билан юмшоқ сўзлашади. Ундан аҳоли мўғулларга сипоҳ ишлатмай шаҳар ташқарисига чиқишларини сўрайдилар. Халифа фармони билан аҳоли жиҳоддан қўл тортиб, шаҳар ташқарисига чиқади. Шаҳардан чиққан аҳолини мўғуллар раҳмсизлик билан ўлдирадилар, Сафар ойининг тўртинчи кунидан бошлаб шаҳарни талон-торож қилиб, мол-мулкларни талаб, эгаллайдилар. Халоқунинг ўзи

тўққизинчи сафар ойида Боғдодга кириб, Мустаъсимдан беш юз йиллик Аббосийлар хазинаси калитини олади. У ҳатто ҳовузларга кўмилган олтин фиштаргача кавлаб олади. Халоқу Боғдоддан сафар ойининг 24 кунда чиқиб, Мустаъсим ва катта ўғли Абу Бақр қатл этилади. Шу билан Аббосийларнинг 525 йиллик халифалиги тугайди. Муаррихлар Боғдодда қатл бўлганлар сонини 800 000 киши деб кўрсатадилар ( «Тарихи мўғул». Аббос Иқбол Аштиёний).

Ислом пойтахти бўлган Боғдоднинг таҳсири ва халифанинг қатли ислом оламида катта фожиа бўлди.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. «Тарих изидан». Туркистон мусулмонлари. Доктор Ширин Абдуннаим. Айнушшамс университети.
2. «Ўрта Осиё тарихи». Саид Мубашшир Сулаймон Косоний. Саудия Арабистони.
3. «Динлар тарихи йиғиндиси». Жон Нос Али Асғар Ҳикмат таржимаси. Техрон.
4. «Ислом давлатларининг тарихи». Арменниос Фомберий. Миср.
5. «Бухоро тарихи». Доктор Аҳмад Ассодошийр таржимаси. Қоҳира.
6. «Аббосийлар даврида ислом олами». Қоҳира 1980.
7. «Тарихи мўғул». Аббос Иқбол. Техрон, 1968 й.
8. «Тарихи сиёсий ислом». Доктор Хасан Иброҳим. Қоҳира. 1967 й.
9. «А также мўғул фит тарих». Доктор Фуод Ийд Мустафо. Ассайёд. Қоҳира.
10. «Бугунги Туркистон». Закий Валийд. Қоҳира.



11-12 ميلادى عصرىدە ئورتا ئاسىيەدە تۈركىي دۆلەتلەر

## МУНДАРИЖА:

Кирриш.....	3
Фатҳи исломдан аввалги Туркистон.....	5
Туркистонда фатҳи исломнинг бошланиши.....	7
Аббосийлар халифалиги соясида Туркистонда илм-фан ва маданиятнинг юксалиши.....	9
Тасаввуф ёки тариқат.....	17
Фан ва адабиётнинг ривожланиши.....	18
Туркистонда аббосийлар халифалигининг мураккаб муаммолари.....	20
Ғазнавийлар давлати.....	21
Қорахонийлар давлати.....	22
Салжукийлар давлати.....	24
Қорахитойлар давлати.....	25
Хоразмийлар давлати.....	26
Мовароуннаҳр, Хуросон ва Хоразм мўғуллар истилоси даврида.....	29
Муҳаммад Хоразмшоҳ билан Чингизхон ўртасидаги элчилар музокаралари.....	31
Мовароуннаҳрда мўғуллар билан бўлган уруш.....	32
Бухоро истилоси.....	34
Чингизхоннинг Самарқандга юриши.....	36
Фарғона истилоси.....	37
Мўғулларнинг Амударёдан ўтишлари.....	37

Хоразм воқеаси.....	39
<b>Чингизхоннинг Хоразмшоҳ ўғли Султон</b>	
Жалолиддин билан кураши.....	42
Балх фожиаси.....	43
Марв воқеаси.....	44
Ҳирот фожиаси.....	45
Бомиён фожиаси.....	47
Перувон уруши.....	48
Санд уруши.....	49
Чингизхоннинг қайтиши ва вафоти.....	50
<b>Чингизхон тутган сиёсат ва мўғулларнинг</b>	
урф-одатлари.....	51
Муаррихлар мўғул истилоси ҳақида.....	53
Жалолиддин Хоразмшоҳ Ҳинд тупроғида.....	54
Султон Жалолиддин муҳорабалари.....	55
Султон Жалолиддиннинг Гуржистонга юриши.....	56
Султон Жалолиддин ва аюбилар.....	57
<b>Султон Жалолиддиннинг мўғуллар</b>	
билан Исфахон яқинидаги уруши.....	58
Султон Жалолиддиннинг шаҳид бўлиши.....	59
Султон Жалолиддиннинг қисқача сийрати.....	61
Чингизхон ворислари.....	62
Масихийларнинг мусулмонларга тазйиқи.....	64
Ислом оламининг фожиаси.....	67

*Илмий-олимабон нашр*

**Собиржон НОРМАТОВ**

**ҚАДИМГИ ТУРКИСТОН  
ВА ТУРКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ**

Муҳаррир: У. Жабборов  
Тех. муҳаррир: Е. Савин  
Дизайнер: С. Ҳасанов  
Мусахҳиҳ: Т. Акбарова

*Босишга рухсат этилди: 2007 й. 24. 11. Нашриёт босма  
табоғи – 4,5. Шартли босма табоғи – 4,25. Бичими 84x108 1/16.  
Адади 1000 дона. Буюртма № 50. Баҳоси келишилган нарҳда.*

**«ФАРФОНА» нашриёти.**  
150114, Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28.

**«ЖАҲОННАШРИЁТ» ХК босмахонаси.**  
150114, Фарғона шаҳар, Герцен кўчаси, 2.  
Лицензия № 22-1568. 2007 йил 27 июл.